



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

Послужа

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИВ НАШРИ

№ 59 (3289)

1999 йил 28 май, жума

Баҳоси эркин нарҳда

Бош муҳаррир минбари

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – ЮРТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ҒАМХЎРЛИК

Ғанишмандларнинг фикрича, у ёки бу мамлакатдаги аҳволни болаларга қай даражада эътибор берилаётганидан билиш мумкин экан. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, келажак авлодга бўлган муносабат шу давлат истиқболда ўз ифодасини топади.

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан болаларга бекиёс ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу йўналишдаги кенг кўламли ишлар ҳамон давом эттирилмоқда. Бу хайрли ишга давлат ташкилотлари ва муассасалари билан бир қаторда кўплаб нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва жамғармалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишапти. Шу ўринда фаоллик кўрсатётган “Соғлом авлод учун”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Болалар” ҳамда бошқа жамғармаларни таъкидлаш жоиздир.

Мустақиллик йилларида ёш авлодга катта ғамхўрликлар кўрсатилгани тўғрисида болалар тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланди, вилоятларда ижтимоий-тиббий патронаж хизмати янада яхшиланди, етим болалар ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болаларга етарли даража меҳр-саховат кўрсатилмоқда, шунга ўхшаш бошқа тадбирлар изчиллик билан амалга ошириляпти.

Газетамизнинг ушбу сони чоп этилишидан бир неча кун аввал мамлакатимиздаги барча мактабларда сўнгги кўнғироқ-адолари янгради. Юз минглаб битирувчилар анъанага кўра мустақил ҳаётга йўлланма берган жонажон мактаб билан хайрлашдилар. Йигит-қизларнинг гулгун чехрасига боқиб шундай ажойиб авлод камол топаётганидан фахрланасан киши.

Хўш, уларни эртанги кунда нималар кутмоқда? Албатта келгусида қандай йўлни танлашлари кўпроқ уларнинг ўзларига боғлиқ. Кимдир олий ўқув юртида ўқишни давом этирса, кимдир ишга жойлашади. Бошқа биров эса йигитлик бурчини ўташ учун армия сафига жўнаб кетади. Аммо улар тақдирнинг қайси сўкмоқларидан боришмасин, юртимиз, жамиятимиз, қонунчилигимизда Ватанга ва ўзларига фойда келтириш мақсадида жисмоний куч ва ақлий қобилиятларини тўлиқ сафарбар этишларига имкониятлар яратиб берилган.

Газетамиз Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида муштарийлар қўлига етиб боришни инобатга олиб, бизда оналик ва болалик давлатимиз томонидан алоҳида ҳимояга олинганини айтиб ўтмоқчиман.

Шундай бўлиши табиий. Зеро, XXI аср бўсағасида турган Ўзбекистон келажаги фарзандларимизни қай даражада камол топтиришимиз, хусусан, гўдаклигидан бошлаб уларнинг ривожланиши, тарбияси ва саломатлигига астойдил қайғуришимизга боғлиқ. Бинобарин, бугунги кунда бундай шарафли вазифани бажаришда бутун жамият иштирок этаётгани қувончлидир.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, мамлакатимизда болаларни ҳуқуқий асосларда ҳимоя қилиш, биринчи навбатда ота-оналарга ўз фарзандларини улар вояга етгунга қадар парвариш қилиш ва тарбиялаш мажбурияти юкланган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Конституциямизда эса давлат ва жамият ота-она қарамоғида бўлмаган етим болаларни боқиши, тарбиялаши ва билим бериши, шунингдек бу борадаги ишларни янада жонлантириши белгилаб қўйилган.

Республикаимизда болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида кўнғилли ҳордиқ чиқаришлари учун бекиёс ғамхўрлик кўрсатилаётганини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Айни пайтда ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш қизғин паллага кирди. Бу йил болалар соғломлаштириш оромгоҳларида жами 332 минг нафар ўғил-қизлар ёзги таътилни мароқли ўтказиши кўзланмоқда. Шу жумладан, Оролбўйида яшаётган тўрт минг бола республикаимиздаги экологияси соғлом бўлган ҳудудларда дам олади.

Келгусида келажак авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликни янада кучайтиришга қаратилган бу ва бошқа тадбирлар ўз мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлашга пухта ҳозирлик кўраётган Ўзбекистонда болалар ҳар томонлама етук камол топиши учун барча имкониятлар ишга солинаётганини кўрсатиб турибди.

1 июнь – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



Дунёда болам деб яшайди ўзбек!

1999 йил –
Аволаги йил

Муқаддас даргоҳ Malikalari

Ота ўз боласига
кўркам одобдан
ортиқ ҳадя бера
олмас.

(“Ҳадис”дан)

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

29 май кунини “Жар” спорт-соғломлаштириш марказида ИИВ аппарати ходимлари ва хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари учун байрам тантаналари ўтказилади. Ушбу кун болажонларимиз учун турли тадбирлар уюштирилади, конкурслар, викторина ўйинлари ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, азиз болажонлар, байрам сизга бир олам қувонч ҳадя этади. Байрамимизга ташриф буюринг, ҳаммаси “беш” бўлади!



MUNAJJIMLAR BASHORATI

12 КРОССВОРД

ТОПҚИРЛИК ҲАҚИДА НИМТАБАССУМ

- Она кўчада ўйнаб юрган боласини чақириб деди:
– Менга қара, сенга неча марта айтишим керак
Эшмат билан ўйнама деб, а? У ёмон бола.
– Ким билан ўйнай бўлмас?
– Албатта яхши болалар билан.
Болакай бир нас ўйлаиб турди-да, сўнг деди:
– Ойишжон, унда Эшмат мен билан ўйнаса бўларкан-да...

«МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ» — «ТУНГИ ГУРУҲ» КЎМАКЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Республика Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги идораларига ҳам бир қатор вазифалар юклади. Айниқса ушбу қарорнинг жойларда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларини тузиш тўғрисидаги банди жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ушбу қарор талаблари асосида жойларда «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларини биринчилардан бўлиб ташкил этишга бўлиб қарши қилган эдик. Яқинда ушбу масалалар юзасидан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда «Маҳалла посбонлари» иштирокида ва ҳатто уларнинг бевосита ўзлари томонидан ҳам айрим жиноятлар очилаётгани ҳақида гап бўлди.

Шу муносабат билан биз вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Аҳмад Тугулович УСМОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Аҳмад Тугулович, ҳар бир қонун ёки қарор бўлсин у қоғозда эмас, балки амалиётга кўчганида ўз моҳиятини курсатади ва самарасини беради. Шундай экан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартда қабул қилган қарорини амалга ошириш жараёнида қандай натижаларга эришилмоқда?

— Республикада раҳбариятининг ҳар бир соҳага тегишли бўлган қарорлари ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шулар қатори шу йилнинг 15 мартда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам жиноят-

чиликнинг олдини олишга кенг жамоатчиликнинг ёрдамидан жаббат этишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қарор эълон қилиниши биланоқ вилоят ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан унда белгиланган талабларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб олдик ва зудлик билан уларни амалиётга тадбиқ этишга киришдик. Мана, орадан икки ой ўтиши билан дастлабки ижобий натижалар кулга киритила бошланди.

— Ижобий самаралар нималарда кўринади?

— «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмалари ташкил этилганидан сўнг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар камая бошлади. Шаҳар, ту-

ман ва ҳужаликлар марказларида яшовчи аҳоли орасидан милицияга ихтиёрий равишда кўмаклаша бошлаган «Маҳалла посбонлари» ёрдамида турли хил қонунбузарликлар олди олинмоқда.

— Албатта «Маҳалла посбонлари» ҳақида, уларнинг фаолияти хусусида маълумотлар бериб бораёلمиз. Бироқ уларнинг ички ишлар ходимларига бевосита ёрдами, яъни жиноятнинг олдини олишдами ёки уни очишдаги кўмаги хусусида далиллар билан гапирсак бўладими?

— Булади. Айтайлик, Дўстлик тумани участка вакили милиция лейтенанти Журабой Эргашев «Тунги гуруҳ»га жалб этилган «Маҳалла посбонлари» аъзоси Файзулла Боликулов билан «Манас» ҳужалиқи ҳудудида хизмат қилаётган пайтда шу ҳужалиқда яшовчи Улугмурод Мингитовнинг кўйхонасидан бир кўйини нотаниши киши етаклаб кетаётганини куриб қолишди. Сураб-суриштирилганида Омон деган йиғит уни ўғирлаб кетаётгани маълум бўлади.

Шунингдек, «Тунги гуруҳ» бошлиғи участка вакили, милиция майори О. Бобоев «Маҳалла посбонлари» аъзолари Иброҳим Ҳотамов ва Гулом Зокировлар билан 1997 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятни содир этгани учун Россия Федерацияси томонидан қидирилатган Валера Тухватуллин деган шахсни қўлга олишди.

— Сиз «Тунги гуруҳ» де-

ган иборани қўлладингиз. Тунги гуруҳ аъзолари кимлар ва улар билан «Маҳалла посбонлари»нинг алоқаси қандай?

— Тажрибалардан маълумки, жиноятчилар асосан кечки пайтда, яъни қоронғу тушган вақтларида ўз қилмишларини амалга оширишга интиладилар. Шу боис, биз тунги вақтда хизматни кучайтирилган тарзда олиб бориш учун ички ишлар идораларида ходимлардан тузилган «Тунги гуруҳ»га «Маҳалла посбонлари» аъзоларини ҳам жалб этаямиз. Натижа ёмон эмас. Масалан, Ғаллаорол тумани ИИБ ходимларига кўмаклашаётган «Маҳалла посбонлари» аъзолари туманининг «Зарбулоқ» ширкатлар бирлашмаси ҳудудида тунда сизир етаклаб кетаётган кишини текширишганида унинг ушбу молни ўғирлаб кетаётгани маълум бўлади. Шунингдек, шу туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Баҳром Муслимов ва маҳалла посбони Ғайрат Қасимовлар томонидан кечаси соат 2 ларда от миниб кетаётган шахс текшириб қўрилганида унинг 1978 йилда Жиззах туманида туғилган ҳеч қаерда ишламайдиган Зафар исмли шахс эканлиги ҳамда бу Жиззах тумани Улугбек ширкат ҳужалиғида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Абдували Маматкуловга тегишли отни ўғирлаб кетаётгани аниқланади.

— Аҳмад Тугулович, «Маҳалла посбонлари» фақат «Тунги гуруҳ»га жалб эти-

ляптими ёки ички ишлар ходимлари томонидан утказилаётган бошқа тадбирларда ҳам қатнашяптими?

— Биз «Маҳалла посбонлари» аъзолари ёрдамидан унумли фойдаланиш ва улар билан ҳамкорликни кенг қамровли тарзда олиб бориш учун уларни «Тозалаш», «Тур» каби шартли номланган тадбирларга ҳам жалб қилдик.

Ички ишлар, ДАН ходимлари ва «Маҳалла посбонлари» иштирокида «Тур» тадбири утказилаётган пайтда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида яшовчи Қобил Ҳамдамовнинг «Москвич» енгил автомашинасида 400 килограмм балиқни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланиб ўшланади. Маҳалла посбони Рустам Абдулаҳатов ва милиция ходими Н. Қайлибековлар томонидан тузилган ҳужжатлар айбдорга нисбатан қонуний чора курилиши учун прокуратурага юборилди.

«Тозалаш» тадбирида иштирок этаётган «Маҳалла посбони» аъзоси Эркин Илатов милиция ходимлари Ш. Аҳмедов ва М. Эгамовларга довол йўли орқали «Москвич» машинасида 4 яшар новвосни ўғирлаб кетаётган шахслар Жамшид ва Қаҳрамон Деҳқоновларни қўлга олишда жуда катта ёрдам беради.

Қисқаси, мазкур Қарор талабларининг амалга кўчгани жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлишини юқоридаги мисоллар курсатиб турибди.

Сухбатдош
Шухрат РЎЗИЕВ.

Шу сонга
хабар

ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ТАРБИЯЛАШ ЛОЗИМ

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тизимидаги «Ахлоқ-одоб ва интизом судлари»нинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу суднинг фаолиятига доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— «Ахлоқ-одоб ва интизом судлари»нинг вазифаси ходим томонидан бирор тартибсизлик юз берганда уни кўриб чиқиш ва жазолашдангина иборат эмас, — деди Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров, — унинг асосий вазифаси ходимларни тарбиялаш, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдир. Бунинг учун эса аввало ана шу тарбиячи, курашувчининг ўзи ҳар томонлама мукамал, маънавий юксак ва билимдон, қонунларимизга, тартиб-интизомга қатъий риоя қилувчи ва уларни сидқидилдан ҳурмат этувчи инсон бўлиши шарт. Узи интизомсиз, тартиб-интизомни писанд қилмайдиган шахс бошқалардан интизом талаб қилишга ҳақсиздир.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ фахрийлар кенгашининг раис ўринбосари, истеъфодаги милиция подполковниги Н.Б.Хабаров, шаҳар ИИББ ШТБХ бошлигининг ўринбосари А.Шодиев ва бошқалар «Ахлоқ-одоб ва интизом судлари»нинг ишини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида фикр билдирдилар.

Йиғилишда шаҳар ИИББ бошлигининг ўринбосарлари ички хизмат полковниги Б.Носиров ва милиция полковниги Ш.Расулов ҳамда фахрийлар иштирок этдилар.

Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига

КИМ ГОЛИБ ЧИҚАРКАН?

— Мен биринчи бўламан!

— Йўқ, мен кучлироқман.

Ўзбекистон Республикаси ИИБга қарашли барча болалар боғчаларида шу кунларда ана шундай баҳсларнинг гувоҳи бўласиз. Болакайлар ёзги спартакиаданинг очилишига тайёрланишяпти.

Боғчаларда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ана шундай байрам руҳида нишонлашга қарор қилишди.

Бассейнлар зилот сувга тўлдирилган. Сахий кўёш уни илтиятпти. Болакайлар ўзгарувчан май ҳавосига қарамай, қачон чўмиламиз деб, боғча опаларига тинчлик беришмаяпти.

Болалар боғчаларининг педагогик жамоаси шу куни болаларга қатор кўнгилочар томошалар режалаштирган. Байрамга таклиф этилган масхарабоз ҳазил кўриқлар, қизиқарли уйинлар ўтказишга ёрдам беради.

Ёзда ўтказиладиган барча тадбирлардан асосий мақсад болалар соғлиғини мустаҳкамлашдир. Қилинадиган ишлар мазмуни, шакллари ва усуллари ота-оналар билан бамаслаҳат ва албатта болакайларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб белгиланади. Мажбурий машғулотлар тўхтатилади, энди улар учун ҳам ёзги таътил бошланади. Энди болалар расм чизишади, кўшиқ айтишади, турли қувноқ уйинлар уйнашади, бир сўз билан айтганда яйрашади.

Боғча дастурхони ҳам илгаригидан тўкин-сочинроқ бўлади. Тушликкача икки марта нонушта қилинади, мева-сабзавотлар мўл-кўл бўлади, айниқса турли шарбатларни айтмайсизми. Болакайларнинг кўп вақти тоза ҳавода ўтади — улар тобланишади, чинқишади. Ёзнинг илк куни спартакиадада ким голиб бўлиши унчалик муҳим эмас. Муҳими, бу байрам кичкинтойлар хотирасида узоқ қолсин, уларнинг кулгуси узоқроқ чўзилсин.

А. ЗОЛОТАРЁВА.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Ички ишлар идораларида хизмат ёзишларининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши хизматдаги иш натижаларига ўзининг бевосита таъсирини курсатмай қўймайди. Чунки буйруқ ва курсатмаларнинг техник жиҳатдан сифатли тайёрланиши, ўз вақтида ижрочиларга етказилиши иш юритувчиларга боғлиқдир. Иш юритишда шунингдек саришталик, аниқликнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бу соҳада аёлларнинг меҳнати жуда-жуда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қуриқлаш» бирлашмаси муншайхонаси бошлиғи милиция катта лейтенанти Нигора Дониёрова мазкур соҳада етарли тажрибага эга



ходимлардан. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари натижасида «Қуриқлаш» бирлашмасининг бошқарув ҳужжатлари, иш қоғозлари сифатли юритилишига, буйруқ ва курсатмаларни-

нг ўз вақтида ижрочиларга етказилиши, бир сўз билан айтганда тўғри иш юритилиши таъминланмоқда.

Суратда: милиция катта лейтенанти Нигора Дониёрова иш устида.

ОРОМГОҲ МАВСУМГА ТАХТ

Мактабларда сунгги кўнгилочар чалиниб, болаларнинг завқ-шавқига тўлган мактаблар ҳувиллаб қолди. Олдинда эса ёзги таътил дамлари кутмоқда. Ёз — бу сойнинг муздек зилот суви, кўёш, тоза ҳаво, тоғ сўқмоқлари, бир сўз билан айтганда мириқиб ҳордиқ чиқариш, демакдир.

Шулар ҳақида уйлаганимизда кўз олдимизга дарҳол Паркент туманидаги Заркент қишлоғи келади. Мазкур сулим масканда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳужалик бошқармаси-

нинг «Заркент» ёзги соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган.

Мавсум арафасида оромгоҳ биноси, бу ерга элтувчи йўллар ва теварак-атрофни таъмирлаш буйича турли тадбирлар белги-ланиб, амалга оширилди. Республика ИИБ Ҳужалик бошқармаси катта нозири А. Нелюбова бизга кўйидагиларни гапириб берди:

— «Заркент» оромгоҳи болаларга жуда маъқул бўляпти. Шу боис мавсумдан анча олдин ота-оналар биринчи смена қачон бош-

ланиши, бу ердаги шароит, шунингдек йўлланмалар билан қизиқишади. Оромгоҳда аҳил, тажрибали педагоглар жамоаси меҳнат қилаётгани, йилдан йилга озиқ-овқатлар таъминоти яхшиланиб бораётгани тўғрисида шундай ҳолат юзга келаяпти, деб уйлайман. Қолаверса, шаҳардаги «Сершовкин» ҳаётдан сўнг табиат бағрида яйраш, сайрларга бориш, ҳавзаларда мириқиб чўмилишнинг гашти ўзгача.


Ажойиб аъналаримиз ҳам бор. Масалан, бир не-

ча йиллардан буён оромгоҳнинг очилиш маросимида республика ИИБ Ички кўшинлар қошидаги намунавий-курғазмали оркестри иштирок этади. Оркестрнинг бадий раҳбари Г. Терзьян илтимосимизни бажонидил қабул қилиб, ўз жамоаси билан болалар қувончига қувонч қўшмоқда. Ҳозирги кунда болажонлар, умуман дам олишни хоҳловчиларни қабул қилиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди.

Ўз муҳбири Э.ИМИЗ.

Халқаро алоқалар

БИРГА ЎРГАНАМИЗ



Сунги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тобора самарали бўлмоқда ва ривожланмоқда. АҚШ мутахассислари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг турли йўналишлари бўйича мунтазам семинарлар ўтказилиб келинаётгани бунинг ёрқин далилларида биридир.

Республика ИИБ ТИБ хорижий алоқалар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Ф. Йулдошев навбатдаги семинарнинг очилиш маросимида, жумладан, шундай деди:

— Шунинг мамнуният билан қайд қиламанки, сунги икки йил давомида бизнинг америкалик ҳамкасблар билан алоқамиз мустаҳкамланди. Республика ИИБ Академияси семинар ўтказиш учун барча қўлайликларга эга дарсхоналар, ўқув лабораториялари ажратиб келяпти. Купсонли хорижий мутахассисларнинг фикрича, бу ўқув даргоҳи нафақат бизнинг, балки Урта Осиёдаги қўшнилариимизнинг ҳуқуқни му-

ҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ҳақиқий тажриба, билим ошириш марказига айланди. Шу пайтга қадар наркотикларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш, криминалистика, жиноятларнинг олдини олиш бўйича семинарлар ўтказилди, бу йилги семинар уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланди. Аъёнага қўра АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси семинарни тайёрлашда ва ўтказишда фаол қатнашяпти, — деди.

Америкалик мутахассислар гуруҳининг раҳбари ФТБнинг Нью-Жерси штати Ньюарк шаҳри бўлими махсус агенти Жеймс Ферри семинар қатнашчиларини самимий қутлади. У меҳмондуст Ўзбекистон заминидан иккинчи бор бўлаётганидан хурсандлигини яшира олмади. Жеймс Ферри юртимизда биринчи сафаридан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан:

— Сутканинг исталган пайтида Тошкентни беҳалватир сайр этиш мумкин

экан. Ҳар қандай мамлакатнинг қиёфасини унинг одамлари белгилайди. Ўзбекистонликлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг самимий, одамшаванда эканлигига амин бўлдим. Ўзбек оилаларида бўлганимда болаларга эътиборни қўриб ҳайратга тушдим. Бу халқнинг руҳини, келажакка интилишини кўрсатади. Илгари ҳам, ҳозир ҳам ташкилотчиларга қойил қолдим — республика ИИБ Академиясида самарали ишлаш учун барча шароит яратилган, бу ўқув юрти шу йўналишдаги мен кўрган энг яхши билим даргоҳлари сирасига киради. Бу гал биз АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уюшган жиноятчилик билан курашда фойдаланадиган назарий билимлар ва амалий кўникмалар бўйича бир талай материаллар олиб келдик. Ишонамизки, семинар давомида ўзаро фойдали яқин алоқа ўрнатилди, — деди.

Республика ИИБ Академияси бошлиғининг биринчи уринбосари А. Ёқубов семинар иштирокчиларига

муваффақият тилар экан, ўқув юрти раҳбарияти тугиладиган ҳар қандай муаммони ҳал қилишга тайёрлигини айтди.

Тайинланган делегация раҳбаридан ташқари АҚШ федераль прокурорининг Нью-Жерси округи Ньюарк шаҳри бўйича уринбосари Донни Краппа, ФТБнинг Пенсильвания штати Питсбург шаҳридаги бўлими махсус агенти Рожер Гринбеник ва Огайо штати Бордман шаҳридаги махсус агенти Жон Столл машғул ўтадилар.

Маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси ИИБ, МХХ ва Прокуратурасининг тезкор ва тергов бўлиналари ходимларига муължалланган. Семинар сунгида қатнашчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар топширилади. Семинарнинг бориши ва яқунлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонидан батафсил хикоя қиламиз.

Ўз мухбиримиз.
СУРАТДА: семинарнинг очилиш пайти.
Сурат муаллифи
М. САЙЧЕНКО.

«Қорадори-99»

«ЗАХРИҚОТИЛ»НИНГ
ПАЙИ
ҚИРҚИЛМОҚДА

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚББ гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бошқармасига келиб тушаётган маълумотларга қараганда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан манфаатдор идора ва ташкилотлар ва шунингдек жамоатчилик ҳамкорлигида «Қорадори» тадбири самарали ўтказилаяпти.

Мазкур тадбир бошлангандан буён республикамиз ҳудудида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган усимликлар етиштирилаётган 1,3 гектар майдондаги 329 та пайкал аниқланди ва йўқ қилинди. Бунинг асосий қисмини нашазорлар ташкил этади.

Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Бешюз қишлоғида яшовчи М. Турсун ҳовлисидаги 150 квадрат метр жойда наша етиштираётгани маълум бўлди. Навоий вилояти Хатирчи туманидан У. Ботир эса хонадонидан 200 квадрат метр майдонда бемалол тақиқланган усимликни парваришляпти. Милиция ходимлари ҳар икки ҳолат бўйича тегишли чора-тадбирлар қўришди.

Тадбир давомида ёввойи ҳолда ўсаётган, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган усимликлар ҳам аниқланмоқда. Ҳозиргача 0,3 гектар майдондаги «захриқотил» йўқ қилинди. Масъулиятсизлиги туфайли бунга йўл қўйган 66 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Гиёҳвандлик моддаларини сотишга уринаётган «ишбилармонлар»га қарши курашиш бўйича ҳам, муайян ишлар қилинмоқда. Тадбир бошлангандан бери 71 киши жиноий жавобгарликка тортилди, улардан 40 килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси олиб қўйилди. Шундан 4 килограмми героиндир.

Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБ гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўлими ходимлари С. Раҳимов туманидаги генерал Узоқов кучасида «Запорожец» автомашинасини тўхтатишади. Машина синчиклаб текшириб қўрилганда ундан 1117 грамм героин ва 425 грамм опий чиқди. Қонунбузарлар қўлга олинди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

ҚОРАДОРИ АСИРЛАРИ

Инсоният азадан муъжизага уч. Ҳамиша нимагадир интилиб яшайди. Эзгуликка қалбидан жой берганларнинг умри нурга йўғрилган. Аммо айрим иродаси бўш, енгилтак шахслар ҳаёт чигалликлари олдида довлараб қолишади. Улар спиртли ичкилик эки гиёҳванд моддаларга тез муқкасидан кетувчидир. Бугунги кунда XX аср фожиасига айланган гиёҳвандлик илдирига болта уриш, унинг гайриқонуний айланиши, тарқатилиши ва сотилишига қарши кураш жаҳон миқёсида кечаётган муҳим жараёндир. Бир чимдим отни қўлатадиган гиёҳванд моддаларни хавфли оғу, оғир хасталикларни тугдирувчи иллат эканлиги кўп эслатилишига қарамай унинг ортидан мумай даромад топишга интилувчилар оёқ остида уралашиб юрганлиги ҳушёрликни талаб этади.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари саёй-ҳаракати билан вилоят ҳудудида «Қорадори» тадбири тезкор вазиётда олиб борилаётган. Шу йилнинг 4 ойида фуқаролардан 27 килограммдан ортиқ турли гиёҳванд моддалар тортиб олинди. Гиёҳвандлик моддаларини сотиб, эвазига катта фойда қўришни уйлаган шахслар аниқланмоқда. Айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари тоғ ва тоғолди хилват жойларда таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган усимликларни яширин устиришга уринувчиларни аниқлаш мақсадида мунтазам рейдлар ташкил этилаёпти. Шунингдек, узгаларга оғу улашишдан тап торгмайдиган, мумай пулга тузук қўйганлар таноби тортилмоқда. Жумладан, шу йил 4 май кунини Шаҳрисабз тумани ИИБ ходимлари Сурхондарё вилоятидан ташриф буюрган фуқаро Сафарали В. ни 0,1 грамм героинни 3800 сумга сотаётганда қўлга олишди. Унинг енидан тингув чоғида 106 граммга яқин героин моддаси топилди. У бу оғуни бир аёлдан қиммат нарҳда сотиб олганини билдирди. Еки вилоят ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан Косон шаҳрида яшовчи Ойдин Х. фуқаро Нодира Салимовага 8 грамм героинни 100 минг сумга пуллаётганда қўлга олинди. Еши қирққа яқинлашган бу аёлнинг фарзандлари бахтидан яйраб юрганга қаёқдаю, пул илгизидан юзи шувут бўлиб, ер чизиб утиргани қаёқда. Аёлнинг узгага захар туттишини қандай изохлаш мумкин?

Чироқчи туманидаги «Чиял» жамоа ширкат ҳужалигида яшовчи Бахтиёр Қ. нинг еши олтишини қоралаган. Аммо неварали бўлганда қилмишидан азият чекиб утирибди. У фуқаро кийимидаги милиция ходимига 4 килограмм 600 грамм марихуанани 500 минг сумга пуллаётганда «қармоққа илинди». Бахтиёр Қ. уз қилмишидан қаттиқ пушаймон. Аммо қанча афсус чекмасин фойдаси йўқ.

Инсон учун ҳар кунини онла даврасида утириш олиб бахт эмасми? «Қорадори» шайдолари бунинг ҳеч қачон, ҳеч вақт унутмасликлари керак.

Ўроз ХАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта
нозир, милиция майори.

БУЮК
НЕЪМАТ

Бу муассасада Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги фармонларини тез ва аниқ бажариш бўйича барча имкониятлар ишга солиняпти. Ҳамма ходимлар уз хизмат вазифаларини ҳам уддалаган ҳолда, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда бўлимага ёрдам беришяпти. Яқинда Фармонга мувофиқ қолган жазо муддатларини уташдан озод қилинган 20 нафар усмирни кузатиш тантанаси бўлиб ўтди. Президентимиз номларига, муассаса жамоаси шаънига миннатдорчилик сузлари янгради. Кўз ёши ҳам бўлди, бу қувонч ёшлари, зое кетган дамлари учун афсус-надомат ёшлари эди. Ҳаётда қувончу қайғу ёнма-ён юради деб шуни айтишса керак. Айниқса, ота-оналарнинг шодлиги чексиз эди. Озодликка чиқётганларга ҳавас билан қараб турган кузларни ҳам учратиш мумкин эди. Ноумид — шайтон, дейдилар. Фармон ижроси энди бошланди, ҳали яна анча-мунча усмирлар озодликка чиқса, ажаб эмас. Ҳозиргача муассасадаги 30 дан ошиқ вояга етмаганнинг жазо муддати камайтирилди. Ушбу жараён ҳам давом этапти. Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Гап шундаки, муддати қисқарганларнинг кўпчилиги

ҳадемай қолган жазо муддатига, қилган жиноят турига қараб инсонпарварлик аклариға мувофиқ суд ҳукми билн шартли озодликка чиқарилиши, уларга бошқа енгил жазо турлари қўлланиши мумкин.

— Биз вояга етмаганларнинг қайтиб жиноятга қўл урмаслигига алоҳида эътибор берамиз, — дейди муассаса бошлиғи зобит А. Ҳақимов. — Дарҳақиқат, одатдаги мактаблардан фарқли уларок, бу ердаги мактабда тарбиявий соатлар ҳажми кўп. Айниқса, усмирларнинг ҳуқуқий тарбиясига ургу берилади. Вояга етмаганлар ўқиш билан бир вақтда касб-ҳунар билим юртида таҳсил олиб, 6—8,5 ой ичида чилангарлик, электр пайвандчилик, тикувчилик, электр монтерлик каби касбларни эгаллайдилар.

Муассаса маъмурияти болаларнинг озодликка чиққандан кейинги тақдирига ҳам бефарқ эмас. Жойлардаги кўникма марказлари билан ҳамкорликда улар ўқишга, ишга, қаровчиси булмаганларини мактаб-интернатларга жойлаштиришади. Еши 16 га тулмаганларни олиб кетишга қариндошлари келмас, муассаса ходими усмирни ота-онасига, қаров-



чиси булмаганларни тегишли мактаб-интернатларга топширади. Барча озодликка чиқётганларга йўл харажатларидан ташқари, энг кам иш ҳақи миқдорига моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Давлатимиз, халқимиз болажон. Англаб олган бўлсангиз, бу даргоҳда ҳам уларнинг яшаши, ўқиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шароитлар яратилган. Усмирларнинг бир қисми иш билан ҳам таъминланган, яъни озми-кўпми пул ҳам ишлашади. Келаётган 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлашга тайёргарлик ҳам қизгин. Бадийий ҳаваскорлик ансамбли концерт қўймоқчи, театрлашган томоша кўрсатилади. Байрам дастурхони ёзилади. Фақат бир нарса етишмайди — озодлик. Президентимиз қанчасининг гуноҳидан ўтиб, озодлик ҳам ҳада этдилар. Улар бу ҳақнинг қадрига етишларини истардим. Бу неъмат-

нинг қадрига, айниқса, озодликда юрган усмирлар етишини тилардим.

Мана, озодлигидан бир бор маҳрум этилиб, юртбошимизнинг фармонлари туфайли уни қайта қўлга киритганларнинг дил сузлари:

«... Бир бу аҳмоқчиликни қилдим, бошқа қилмайман. Президентимизга раҳмат».

«... Ҳеч нарса озодликка етмайди. Жиноят қилишни уйлаб юрган болалар бунинг ниятларидан қайтишсин».

«... Қилмишимга мингнинг пушаймонман. Керак бўлса, ўқишдан буш пайтим ишлайман, фақат қайтиб бу йўлга кирмайман».

Газетамизни ўқиб борадиган болаларга нима деган бўлардим? «Оқил киши бошқаларнинг хатосидан урганади» деган гап бор. Азиз болалар, авваламбор байрамнинг муборак. Иккинчи тилагим, оқил бўлинг, олдингизда оқар сувнинг қадрига етинг.

Бобомурод ТОШЕВ.

КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК

«Табиат бушлиқдан қўради», дейишади. Фарзандларимизнинг қизиқишларини биз билмасак, уни керакли йўналишга бурмасак, ўрнимизни бошқалар эгаллайди. Усмирларнинг орзуларини, маънавий оламини миллий, умуминсоний қадриятлар асосида шакллантирмасак, ўша «бошқалар» уни «бошқача» шакллантиради. Болани фақат чеклашлар билангина тарбиялаб бўлмайди. Биз уларга кўпроқ яхши нималигини аңлатайлик, токи ёмон нималигини ўзлари аңлаб олсин. «Уни қилма, буни қўрма!» — деявермасдан, нима қилиш, нима қўриш кераклигини айтмайлик.

Агар Ю. исмли усмирин уртоклари билан ўз уйда спиртли ичимлик ичишга сарфлаган пулига истироҳат боғини айланиб, музқаймоқ еб, лаззатли ичимликлар ичганида қўшнисининг қотилига айланмасди. Бунинг учун ота-онаси уни ёшлиқдан томошабоғларга, кўнгличар томошаларга олиб бориши, булардан завқланишни ўргатиши керак эди. Кўнгли, айниқса, ёш кўнгли ҳаяжонланишни, завқланишни ис-тайди. Ҳақиқий гузалликдан завқланишни ҳам ўрганиш керак. Биров чўмилишдан, спорт билан шугулланиш-

дан, мусиқадан, сайрибоддан завқланса, бошқа биров мастликдан ақлу хушини йўқотиб роҳатланади. Қўш уясида қўрганини қилади.

И. исмли йигитчани ўз акаси ўғрилика бошлади. Улар янги курилайётган ҳовлиларда жиноят устида қўлга тушадилар. Акаси ёшлиқдан ҳалол меҳнатга ургатилганида лешона тери билан топилган молнинг қадрига етган, бировнинг мулкига қўз олайтирмаган буларди. Укасини ҳам яхши йўлга бошларди. Қўриб турибсизки, яна ота-она айбдор.

М. исмли йигитчадан нега кўчадаги машиналарга ут қўйганини сўраганида, қўрган фильми Ҳаҳрамонига тақлид қилганини айтган. Агар у ўзимизнинг гузал эртакларимиз асосида ишланган фильмларни қўрганида ҳаётий идеали бошқача шаклланган буларди. Зўравонлик, ваҳшийлик, бузуқлик тарғиб этилувчи фильмларни тақиқлаб, чуқур инсонпарварлик голяри билан сўғорилган, бадиий юксак фильмлар яратиш пайти келмадими?

Ота-онаси З. исмли қизалоғи бўш пайти нима билан шугулланишини, кимлар билан уртоклигини билишмас экан. Натийжада қизча тарбияси бузуқларга қўши-

либ, ўғирликка қўл уради.

Донишмандлар бола тарбиясини у туғилмасидан олдин бошлаш керак деб бекорга айтишмаган. Ишни бошлаш ҳаммининг ҳам куридан келади. Уни давом эттириш, охирига етказиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Тарбия эса шундай жараёнки, унинг охири йўқ, унда узилиш ҳам бўлиши керак эмас. Тиш тушиб, соч оқариб, ёшимиз бир жойга борганда ҳам ўзлари ота-она булган фарзандларимиз тарбиясига маънан масъулмиз. Уша пайтда ҳам улар бирор жойда қоқилса, ноҳуя иш қилса, ёшлиқда тарбиясида йўл қўйган хатомиз сабаб бўлади.

Азиз ота-оналар! Эрта бир кун эл-юртнинг, авваламбор фарзандларимизнинг маломатида қолмайлик, афсус-надомат чекмайлик десак, бугун болаларимиз тарбиясига бепарқ бўлмайлик. Уларнинг оқ қоғоздек пок қалбига инсонийлик сабоқларини битайлик. Бунинг учун эса авваламбор уларнинг кўнглига йўл топайлик.

О. ШАМСИЕВ,
Навой вилояти ИИБ
ЖООБ катта нозира,
милиция лейтенанти.
Б. ТОШЕВ.

КУТИЛМАГАН ЯКУН

Миробод тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими милиционерлари Б. Хўжамқулов ва А. Қонлибоев Шимолий вокзал ёнидаги ер ости йўлагида жойлашган объектларни қўриқлаётган эдилар. Хизматдошлари А. Бозорбоев ва И. Тўйчиев кўчада патруллик қиларди. Улар зинадан тепага кўтарилаётган киши қорасини дарҳол пайқашди. Йигитларни бемаҳалда юрган кишидан ҳам унинг қўлида бир талай кийим-бош борлиги сергаклантирди.

«Буларни қайқдан олиб келяпсиз?» табиий равишда қизиқишди қўриқчилар. «Мен шу ерда ишлайман, кийимларни ювгани олиб кетяпман», — бурро-бурро жавоб берди йигит. Милиционерлар «кирийимлар»нинг тахи бузилмаганини, оққичи билан олиб кетилаётганини кўриб бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Шу пайт етиб келган бўлинма сардори К. Аҳмадов ҳам шубҳаланиб, милиционерларга шу атрофдаги дўконларни кўздан кечиришни тайинлади.

Шундоқ ёнма-ён жойлашган, икки томчи сувдек бир-бирига ўх-

шаш икки дўконнинг фарқи — бири марказий қўриқлаш пультага уланган, иккинчи дўкон эгаси эса таваккалчи эди. Марказий қўриқлаш пультага топширилган дўкон бус-бутун, ёнидагисининг эса ойнаси синган эди. Милиционерлар шунда ҳалиги йигитнинг қўллари кесилганини эслашди.

Масала ойдинлашди — ўғри ашёвий далил билан тутилган эди. Миробод тумани ИИБ терговчиси Б. Мавлонов хонасида йигитча қўлига қўйганини бўйнига олди. У яна бир пайтлар ер ости йўлагидаги дўконлардан бирида ишлаганини ҳамда айнан «Истиқлол нурлари» хусусий фирмасига қарашли дўкон қўриқланмаслигини аниқ билганлигини тан олди. Шу куни сотувчилар дўконни бекитиб кетгач, ойнасини синдириб қўли етган нарсаларни олиб жуфтакни ростлаётганда, қўриқлаш бўлими ходимлари йўлини тўсишди.

— Бўлимизда жисмонан чиниққан, кўп йиллик тажрибага эга бўлган милиционерлар хизмат қилади, — дей-

«Қўриқлаш»
хизмати

ди Миробод тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция катта лейтенанти М. Мирзааҳмедов.

Юқоридаги воқеа бу сўзларни тасдиқлаб турибди.

Милиционерлар Б. Хўжамқулов ва А. Қонлибоевдан юз берган воқеа ҳақида сўраганимизда, улар камтарлик билан: — Вазифамиз қўриқлаш-да. Уғирлик биз қўриқлайдиган объекта содир бўлмаса ҳам, ўғрини тутганимиздан хурсандмиз. Дўкон эгасига етадиган зиённинг олдини олдик, — дейишди.

Тошкент шаҳри бўйича статистик маълумотлар шуни курсатадики, хонадонларда, хусусий фирмаларда, давлат муассасаларида юз берадиган ўғирликларнинг камайишида қўриқлаш бўлими ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Тунилган ўғирларнинг айтишича, улар марказий қўриқлаш пультага уланган объектларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишар экан.

А. ЗОЛОТАРЁВА.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Бўлиб ўтди

Ҳар чоракда Фарғона вилояти ИИБ ЖИЭБ ва унинг жойлардаги шаҳар-туман инспекциялари ходимларининг семинар-кенгашларини ўтказиб туриш одат тусига кирган. Навбатдаги семинар-кенгаш ижобий натижаларга эришадиган Фарғона туманида бўлиб ўтди.

Унда Фарғона тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги В. Шаропидиновнинг «Фарғона тумани ижтимоий, иқтисодий, демографик маълумотлари ва тумандаги тезкор вазият тўғрисида»ги маърузаси, вилоят ИИБ ЖИЭБ бошлиқ муовини милиция подполковниги Ш. Низомовнинг «Фарғона тумани ИИБ ЖИЭИнинг 1998 йил ва жорий йилнинг 1-чорак якунлари бўйича иш фаолиятлари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Сўнгра Фарғона тумани ИИБ ЖИЭИ катта инспектори милиция капитани З. Усмоновнинг «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган суд ҳукмлари ва ажримларининг ижроси, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг шахсий ҳисобини олиб бориш ва шу асосда инспекциянинг ойлик ва кўнглик иш режаларини тузиш, молиявий режаларнинг ойма-ой бажарилиб борилиши, маҳкумларнинг йигма жилдларини расмийлаштириш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида»ги диаграммалар асосида маърузаси тингланди.

Семинар қизиқарли, мунозараларга бой бўлди.

М. КИМСАНБОЕВ.

НАЖОТКОРЛАР

Икки кун давомида Чирчиқ шаҳрида Нажоткорлар спорт байрами санитария дружиначилари ва Фавкуллода вазиятлар вазирилик аvarия-қутқарув кучлари бўлинмаларининг республика мусобақалари ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фавкуллода вазиятлар вазирилик, Ички ишлар вазирилик, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти, Қизил ярим ой жамияти ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳамкорликда ташкил этди.

«Нажоткорлар» деб ша-

ртли номланган бу спорт байрами Фавкуллода вазиятлар вазири, генерал-майор Б. Қосимов очди ва байрам иштирокчиларини табриклади.

Республика Қизил Ярм ой жамияти раиси Ҳ. Воҳидова биринчи марта ўтказилаётган нажоткорлар мусобақасининг аҳамияти хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнгра Фавкуллода вазиятнинг олдини олиш, бартараф этиш, шунингдек, офат содир бўлган жойда десантчиларнинг самолётдан сакраши, кинология хизмати, ихти-

Санитария дружиначилари ҳаётидан

сослаштирилган авария-қутқарув кучлари, санитария дружиначиларининг тайёргарлиги бўйича синов мусобақалари бошланди.

... Табиий офат натижа-сида аҳоли пункти харобага айланди. Фавкуллода вазиятлар вазириликнинг авария-қутқарув кучлари ва санитария дружиначилари воқеа жойига ҳаммадан аввал етиб келишди ва тезкорлик билан ишга киришдилар: ким темир бетонларни махсус ускуналар билан кўтариб, унинг остида қолган одамларни қутқаряпти, санитария дружи-

начилари эса жон талвасасидаги одамларга биринчи ёрдамни кўрсатишяпти, ўт ўчирувчилар қисқа тугашув натижасида содир бўлган оловни бир неча дақиқа ўчиришади. Бу эса уларнинг маҳоратлари ниҳоятда юқори даражадалигидан далолат беради.

Мусобақанинг биринчи кунини ана шундай қизғин баҳслар остида ўтди.

Ушбу беллашувнинг иккинчи кунини Чирчиқдаги Ўтачидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати ўйингоҳида давом этди. «Фавкуллода вазият: ўзи-

нгни ва атрофиндагиларни қутқар» мавзусида викторина ҳам ўтказилди. Қизгин баҳслар остида ўтган тортишувларда ғолиблар аниқланди.

Тошкент шаҳар санитария дружиначилари биринчи, чирчиқликлар иккинчи, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Спорт байрами сўнгида санъаткорлар катта концерт қўйиб бердилар.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

БЕЛЛАШУВИ

ҚУШЁРЛИК ТУФАЙЛИ

Икки жиноятчи қўлга олинди

Тонгги соат бешлар чамаси. Питнак шаҳар милиция бўлими ДАН бўлинмаси ИПХ инспектори, милиция старшинаси Озод Бобоназаров ҳамда Қўриқлаш бўлинмаси ходими, милиция сержанти Рашид Сапаевлар ўз постларида ҳушёр туришарди. Тонг сукунатини бузганча Тошкент - Ҳазорасп йўналиши бўйича келаётган Даймлер-Бенц русумли П Е 93-72 давлат рақамли автобус Питнак шаҳар ДАН масканида тухтатилди. Акрам Эсонов бошқарувидаги автобус ҳужжатларини текшираётган ДАН инспектори, милиция старшинаси Озод Бобоназаров орқали бирининг безовталанаётганини сезиб қолди. Милиция сержанти Рашид Сапаев ерданга шошилди. Ҳушёр милиция ходимлари янглишмаган эди. Турк-



манистон Республикасининг Илонли туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Матназарнинг суммасидан 1 кило 719,45 грамм опий гиеҳванд моддаси топилди.

Милиция ходимларининг бу ҳаракатидан автобусдаги яна бир йўловчи Хоразм вилояти-

нинг Ҳазорасп туманида яшовчи Ҳ. Нуқулжон ҳам узини қўярга жой тополмай қолди. Унинг бу ҳатти-ҳаракати беҳуда эмасди. Нуқулжоннинг кийимлари орасида ҳам 250 грамм опий гиеҳванд моддаси борлиги аниқланди.

— Питнак шаҳри Хоразм

вилоятининг кунчиқар дарвозаси ҳисобланади, — дейди Ҳазорасп тумани ИИБ Питнак шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Боғибек Раджапов. — Шу боис шаҳар орқали утадиган транспорт воситалари жуда серкатнов. Кейинги пайтларда вилоятимизга гиеҳванд моддалар олиб келиш ҳоллари кўпаймоқда. Гапимнинг исботи сифатида Урганч шаҳрида яшовчи П. Алишерни мисол келтириш мумкин. У ҳеч қаерда ишламасдан бойлик орттириш мақсадида Сурхондаре вилоятининг Термиз шаҳридан 80,92 грамм героин гиеҳванд моддасини олиб келаётганда қўлга олинди. Туркманистонлик Алишер Матлубов эса Денов шаҳридан 29 грамм, хивалик Ж. Қомилжон ва сурхондарелик Ф. Зиядуллолар узаро жиноий тил бириктириб, 224 грамм героин гиеҳвандлик моддасини сотиш мақсадида келтираётганда ушландилар. Айни кунда бу жиноятчилар устидан тер-

гов ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас, Питнак шаҳар милиция бўлими ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда самарали ҳаракат қилишяпти. Уз касбига садоқатли, ҳушёр милиция ходимлари вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилмоқда.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: Ҳазорасп тумани ИИБ Питнак шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Боғибек Раджапов (ўнгдан иккинчи), катта терговчи, милиция майори Эрназар Ражапов, терговчи, милиция капитани Қувондиқ Матниёзов, ДАНБ ходими, милиция старшинаси Озод Бобоназаров ва милиция сержанти Рашид Сапаевлар билан жиноятчилардан олинган опий гиеҳванд моддасини кўздан кечиришмоқда.



Бегойимлар.

BIZNING MAKSINA OPA

Бу аёл биргина мен эмас, балки бутун Самарқанд шаҳар ИИБ шахсий таркиби учун севимли ва қадрли десам, муболага эмас. Зотан, милиция майори Максина Асланова ҳавас қилса арзиғулик ходимлардан биридир. Юзидан нур ёғилиб турувчи бу аёл бошқаларга ўхшасада, у кишида қандайдир оҳанрабо борлиги яққол сезилиб туради. Аслида

қозоқ қизи бўлган Максина опа Россиянинг Астрахань вилоятида туғилиб ўсган. Саратов ҳуқуқшунослик олийгоҳини тугатгач, йўлланма билан Самарқанд шаҳрига ишга келган. Ҳозирги пайтгача бошқарма шахсий таркиб билан ишлаш бўлими катта нозири лавозимида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Максина опани дунёда энг бахтли аёл де-

сам, хато бўлмайди. Чунки у киши касбидан ҳам, оиласидан ҳам тиним топган. Турмуш ўртоғи Илҳом ака узоқ вақт ички ишлар идораларида хизмат қилган, ҳозир эса нафақада. Улар бир-биридан ширин уч нафар қизни тарбиялаб, вояга етказишяпти.

— Милиция кийимидаги кишиларга ҳамisha ҳавасим келарди. Зеро, шу бежирим ли-

бос замирида катта масъулият борлиги, бунинг қадрига етиб, хизматни шараф билан адо этишга бел боғлаган метин иродали, пок қалбли ходимларгина эл хурматиға сазовор бўлишади. Бу хурмат ва эътибор ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Тула ишонч билан айтишим мумкинки, Максина опа бундай иззатға сазовор.

М. АБДУРАҲИМОВА,
милиция старшинаси.

XANDALAR

Нонушта пайтида аёл норози оҳангда эридан сўради: *

— Айтингчи, нима сабабдан уйга тонгги соат тўртда кириб келдингиз?

— Нима, менинг оила аъзоларим билан нонушта қилишга ҳаққим йўқми?...

Сўхбатлашиб утирган икки дўстан бири иккинчисига деди:

— Кучада чиройли қизни кўриб қолсанг одатда қандай аҳволга тушасан?

— Аввало атрофга боқиб, шу яқин ўртада хотиним бор ёки йўқлигини аниқлаб оламан.

Ресторанда.

— Қайнонанг ажойиб рақсга тушишини билмас эканман.

— У киши аслида рақсга туша олмайди. Официантнинг эҳтиётсизлиги туфайли ёқасига муз бўлаги тушиб қолган холос...

— Негадир кейинги пайтда хомуш бўлиб қолдинг. Бунинг сабаби нимада?

— Перпетуум-модиле кашф қилмоқчиман.

— Бу нима ўзи?

— Шу ҳақда уйлаяпман-да.

Шифокор беморга деди:

— Жарроҳлик учун уч минг АҚШ доллари тўлашингизга тўғри келади.

— Бу талончилик-ку, шунча пулни қаёқдан оламан. Бундан кўра ўлиб кетганим яхши.

— Чакки қиласиз. Дафн маросими бундан ҳам қимматга тушади.

Маст киши деворни ушлаб зўрға келаяпти. Шу пайт девор остида узала тушиб ётган бошқа бир мастга қоқилиб, йиқилиб тушди. Энгашиб ундан сўради:

— Айт-чи, мени хурмат қиласанми?

— Сен билан фахрланаман!

Аёл умр йўлдошига деди:

— Қизиқ, сира пойгада ютиб чиқмайсииз, карта уйнаганда эса нуқул омадингиз келади.

— Сен бирор марта энг ичига отни жойлаб юборишга уриниб кўрганмисан?..

Янги оила қурган аёл эрталаб эрига деди:

— Азизим, бизнинг уч қизимиз бўлади.

— Буни қаёқдан биласан?

— Ҳозир улар онамникида яшашаяпти, ҳадемай бизникига келишади.

Sandiq

QIZ TUG'ILSA QUVONISHADI

Гананинг баъзи халқлари оилада қиз туғилганда кўпроқ севинади. Чунки бу ўлкаларда аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилади, бинобарин, кўпроқ фойда келтиради. Бундан ташқари, узатиладиган қиз эвазига жуда катта қалин олиш мумкин.

ASHADDIY XOTINBOZ

Италиялик Жовани Виглиотто 35 йил давомида 105 марта уйланган. 50 марта ўз исм-шарифини ўзгартирган ҳолда хотин олган. Ҳатто судда ўзи ўйлаб топган исмларнинг айримларини эслолмаган. Агар уйлангани тартибга солиниб, ўртача ҳисоб чиқарилса ҳар тўрт ойда хотинини янгилайвергани маълум бўлади.

BAMBUK DAN ... MATO

Хитойнинг Сичуань вилоятидаги тўқув фабрикасида бамбук толасидан мато ишлаб чиқарилаяпти. Ташқи кўринишидан у ипакка ўхшайди. Бу матодан кийимлар тикилмоқда.

QULUPNAYLI MORS

Қулупнай эзиб доқадан утказилади ва суви олинади. Қолган қисми устига сув кўшиб қайнатилади. Сўнгра сузиб олиб, шакар ва қулупнай суви кўшилади.

SHINGIL MASLAHAT

Баланд пошналар туфлида юришни ёқтирадиган аёллар эрталабки гимнастика комплекси — товонни бутунлай босиб, чўққайиб ўтириш, букилган бармоқлар орасига майда силлиқ тошларни қистириб, оёқни ерга босиб юриш, бармоқлар асосида пружинасимон тебратиш машқларини бажариши лозим. Шунда оёқ панжаси ортиқча юк тушишига кўниқиб боради.

Шавкат САЪДИЕВ
тайёрлади.

SO'NGAN UMIDLAR

Singan piyola

Она орзуси бир жаҳон. Даставвал фарзанд кўришни, уни юк ювиб, оқ тараб, одамийликнинг барча яхши хислатларини сингдириб, элга кўшишни ният қилмаган она бўлмаса керак. Хонадонига одобли, ифбатли, биллимдон, ишчан, хушрўй келин келишини орзулайди.

Қарши шаҳрида яшовчи Парда опа Бозорова ўғли Байрамалига келин топиш учун кўп югурди. Ниҳоят Қарши тумани «Паргуза» кишлоғидан яшовчи Башорат исмли киз бу хонадонга келин бўлиб тушди.

Албатта, келин келган уйда орасталик, яхши кайфият, ширин муомала ҳукм суради. Баъзи тортишувларга чек қўйилади.

Афсуслар бўлсинки, Башорат келганига тўрт ой тўлмасдан ҳовлида можаро бошланди. Жанжал авжига чиқиб, сочлари юлинган, кийимлари чанг-тўзонга беланган келин онасиникига кетиб қолди.

Бу воқеа эшитган қулққа ёмон.

Башоратнинг аммаси Ойсара Фозилова мас-

лаҳатлар бериб, уни яна куёвникига олиб бориб кўйди. Унчалик катта бўлмаган бу рўзгорда қайнона ҳукмрон эди. Келиннинг ҳар бир ҳаракати Парда опа томонидан қатъий кузатилар, у ҳар кадамда қайнона-сидан дакки эшитарди. Ҳали тандирга нон ёпилмаган, кечки овқатга уринмаган, кир ювилмаган, ҳовли супурилмаган, хуллас шунга ўхшаш кундалик юмушларнинг сон-саногии йўқ. Буларнинг барчасига келин айбдор, келин жа-вобгар. Байрамали Башоратни ҳимоя қилиб бирор сўз айтолмас, аксинча онасига кўшилиб, хотинини дўппослашга тушарди.

Башорат юзи тирналган, сочлари тўзғиган ҳолда яна онасиникига келади. Аммо унинг онаси Қурбон момо кўпни кўрган аёл. «Болам уч нафар фарзанд билан энди қаерга боради. Урса ҳам, сўкса ҳам ўз уйига, ўз эри ёнига борсин. Рўзгорда нималар бўлмайди. Тинчиб кетар», деган ниятда кизини уйига қайтарди. Шундан кўп ўтмай эр билан қайнона тагин Башоратни уйдан ҳайдаш-

ди. Эри уни роса дўппослаб, бошига уриб, сочларидан тортиб судраган бўлса, Парда опа «Сени ўз кўлларим билан чоғиб, нимталайман, ўлигинга ўт кўяман» деб ҳовлида роса қувлади. Башорат уч гўдак билан онасиникига кириб келди. Яна келди, яна олиб боришди. Бу ҳол жуда кўп такрорланди.

Сўнги келиши 1998 йил ноябрда эди. Бир нафар фарзанди қайнонасиникида қолганди. Икки гўдаги билан онасиникида яшаб турди. Кунларнинг бирида кўчада ўйнаб юрган болалардан бири ҳовлига кириб: «бир кампир Башорат опанинг икки қизини автобус бекатида олиб ўтирганмиш», деди. Бу хабарни эшитиб она-бола кўчага отилишди. Кампирнинг кўлидан қизалоқларни тортиб олиб, уйга қайтишаётганда Парда опа кудасига ялинишга тушди: «Кудажон, Башорат менинг келиним, ҳам қизим. Энди уриш-жанжал бўлмайди. Шугина невараларим кўзимнинг оқу қораси. Келиним билан бирга невараларимни олиб бо-

риб қўйинглар. У кетиб қолгандан бери қийналиб қолдим. Раҳмларинг келсин, менга» деб қасам ичиб, уйига жўнади. Қурбон аяга бу гаплар катта қафолат бўлиб туюлди. Қизини болалари билан мажбуран уйига кузатди.

«Холажон, қизингиз Башорат ўз жонига қасд қилганмиш...

Бу жинойи иш яқинда Қарши шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди. Судланувчи Байрамали Панжиев ўз турмуш ўртоғи Б. Саидовани уйда муттасил уриб-сўкиб, қийнаб, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб келганлиги, вояга етмаган фарзандлари кўз ўнгида хотинини ҳақорат қилгани оқибатида турмуш ўртоғи Б. Саидовани ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур қилган. Шу боис, Б. Панжиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми билан айбланиб, суд ҳукми билан 5 йил озодликдан маҳрум этилди. Парда опа ҳам жазоланди.

Абдуқаҳҳор
ЭЛМИРЗАЕВ.

УЛАРНИ ЮРТ КУШАНДАСИ

ДЕСАК ТЎҒРИ БЎЛАДИ

«Мустақиллик Ўзбекистонга, узбек халқига нима берди?» — деган саволга бериладиган жавоблардан бири бу виждон эркинлигини, одамларнинг уз динларига эътиқоди ва тоат-ибодат қилишларига очилган катта йул эканлигини таъкидлаш эмасми? Собик иттифоқ пайтида ислом дини таъқиб қилиниб, ҳайит намозларини ўқишга йул қуйилмасдан, масжидлар санокли жойлардагина бўлиб, диний адабиётларни чиқариш тугул борларининг ҳам тарғиботи тақиқланиб, ҳатто инсонни фоний дунёга кузатиш, одамийлик бурчи — таъзияда иштирок этиш мушкул бўлиб, таъзия ўқишини ўзи тақиқланган эмасми?

Бу нима эди? Бу ислом кишиларининг уз дин ва тилларини, тарихини унуттириб, манкуртга айлантириш йули эди.

Мустақиллик туфайли авлод-аждодларимиз дини бўлган исломга кенг йул очилди. Тошкентда Ислом университети ташкил қилинди. Жойларда масжидлар қурилди, одамлар учун жамоа бўлиб намозлар ўқишга кенг йул очилди. Ҳайит кунлари муҳтарам Президентимиз Фармони билан байрам деб эълон қилинди. Улуғ аждодларимиз, ислом динининг буюк намояндалари Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбандийларнинг асарларини нашр қилишга кенг йул очилди. Муқаддас Қуръон китоби кўп нусхада чоп этилди, деярли ҳамма хонадонларга ки-

риб борди. Муқаддас Оллоҳ уйини зиёрат қилишга — Каъбатуллоҳга ҳаж сафарига боришга давлат нафақат кенг йул очди, балки одамларнинг бориб-келиш хавфсизлигини таъминламоқда.

Аммо давлатнинг динга очган кенг йулидан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар ислом дини никоби остида юртимизга реакция диний оқимлар таълимоти олиб кирдилар. Қатор мамлакатларда, жумладан ён қўшниларимиз Афғонистон, Тожикистонда қуролли можаролар келириб чиқариб, Шимолий Кавказ ва бошқа минтақаларда қонли уруш хавфини тугдираётган ваҳҳобийлик таълимоти ҳам республикамизда тарқатилиб, унинг халқимиз ва юртимиз учун қанчалик хавфли эканлигини Наманганда бўлган воқеалар кўрсатди.

Ваҳҳобийлик тушунчаси XVIII асрда Арабистоннинг энг қоқоқ, чекка ўлкаларидан ҳисобланмиш Нажд диёрида туғилган. Бу диний ҳаракат намояндлари ислом дини софлигини сақлаш, аслига қайтариб, уни турли бидъатлардан халос қилиш, яқка худодлиқни тарғиб қилиш баҳонасида фан, маданият, санъат ютуқлари, дунёвий билимларни инкор қилиш, оддий халқни урта аср жаҳолати гирдобига қайтариш умидида юрибдилар.

Ваҳҳобийлар ўзларини «мувоҳҳидунлар», яъни яқка Оллоҳни тан олувчилар деб атаганлар. Ўзбекистонда кенг тарқалган,

иккинчи бир реакция диний оқим — бу «Ҳизбут тахрир» оқимидир. Бу оқимга 1953 йилда шайх Такиитдин Набахоний Исроилда асос солган бўлиб, ушбу шахс 1972 йилда Бағдодда, 1974 йилда Мисрда, 1976 йилда Сурияда тўнтариш қилишга уринган. «Ҳизбут тахрир» (Ислом озодлик партияси) таълимотида фашистик ғоялар ва кураш усуллари сезиларли даражада ўз аксини топган бўлиб, вазифаси исломий даъватни ёйишдир.

«Ҳизбут тахрир» ўз олдида «Халифат»ни қайта тиклашни мақсад қилган.

Халифат VII асрда Ғарбий Арабистонда феодаллик жамияти тузилаётган пайтда ташкил топган мусулмон давлати бўлиб, бу давлат халифа томонидан бошқарилиб, жамиятда муносабатлар мусулмон ҳуқуқи шариат билан тартибга солиниб келинган. Ушбу пайтда Халифатнинг юзага келиши энди ташкил топиб келаётган ислом динида қаттиқ сиёсий курашга ва сунний, шиа оқимларининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

«Ҳизбут тахрир» оқимининг тарафдорлари но-расмий равишда Йордания, Ироқ, Яман, Судан, Афғонистон, Покистон каби ислом давлатларида фаолият кўрсатиб келадилар, бу давлатларда «Ҳизбут тахрир» фаолияти ноқонуний деб эълон қилиниб, унинг тарафдорлари таъқиб қилинади.

Халифалик давлатини барпо қилиш тарафдорларининг мақсади одамлар орасида даъват олиб бориш, диний адабиётларни тарқатиш, динга интилувчан ёшларни жалб қилиш, «хужра»лар очиб, уларни ўқитиб онгига исломий қоидаларни қуйиш ва қайси мамлакатда фаолият кўрсатишдан қатъи назар, ушбу давлатнинг амалда бўлган конституцион тузумини тағ-томири билан ағдаришдан иборатдир.

16 февраль куни Тошкент шаҳрида Президент И. Каримовга уюштирилган суиқасд ва шаҳардаги кўпуровчилик фаолиятларини амалга ошириш шу партия аъзоларининг бевосита ишидир.

Фаргона вилоятида ваҳҳобийлик, «Ҳизбут тахрир», Акримий ва бошқа реакция диний оқимлар ҳаракатларининг фаолиятига чек қўйишга, уларнинг ташкилотчиларини аниқлаш, Президент И. Каримов айтганидек — сиёсий онглари яхши шаклланмаган ёшларни юқоридаги диний оқимлар таъсирига берилиб қолишидан сақлаш, адашганларни эса бу йўлдан қайтариш борасида бир мунча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Суҳбатдошимиз Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Аминжон Тошхужаев:

— Тошкентда 16 февралда бўлиб ўтган кўпуровчилик ҳаракати ва Президентга уюштирилган суиқасд ва реакция диний оқим фаолиятининг энг кульминацион нуқтаси бўлди, — дейди у. — Биз жабрдийдалар руҳи олдида ўзимизни оқлашимиз учун кўпуровчилик ишларини амалга оширишларни ушлаб, одил суд ҳукмига ҳавола қилишдан ташқари, бу ташкилотни республикамизда тамомен тугатишимиз керак бўлади.

Хабарингиз бор, «Ҳизбут тахрир» реакция диний оқимининг тарғибчилари — давлат тўнтаришига даъваткор бўлганларнинг уч нафари Фарғонада суд қилиниб, турли муддатларга ҳукм қилинди.

Булар: қувалик Музаффар Носиров, Ўзбекистон туманилик Каримжон Имомалиев ва марғилонлик Ином Якубовлар эди. Улардан қўллаб қўлдоғида реакция адабиётлар олинган ва улар судда ўз айбларига иқроқ бўлиб, давлат тўнтаришига қақирувчи ҳаракатларини бўйниларига олганлар. Уларнинг ҳар учови ҳам 1998 йилнинг сентябрь ойида ҳибсга олинган эдилар.

Энг ачинарлиси, ўзимизнинг ёшлар шу йулга кириб қолганликлари. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг телевидение орқали: «Кечирим сураб келганларни кечирамиз»,

деган сўзларидан сўнг албатта милиция идораларига келувчилар сони ортмоқда. Аммо менимча баъзиларда ҳали ҳам ҳадик бор. Агар шу мақола чиққандан кейин ҳам айбига иқроқ бўлиб келишса, фақат ўзларига фойда буларди.

Шу кунга қадар маҳалла оқсоқоллари, ҳокимият вакиллари, милиция идоралари бошлиқлари, уюшма нозирларининг жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борганлиги туфайли 58 нафар фуқаро ўз хоҳиши билан милиция идораларига келдилар ва уларга ҳеч қандай чора, ҳатто маъмурий жазо ҳам белгилангани йўқ. Халқимизда «Эгилган бошни қилич кесмайди», деган ибратли ибора бор.

Тадбирлар давомида Ёзёвонда ваҳҳобий диний оқими вакили Улуғбек Юсуфбековга тегишли бўлган 3 дона Калашников автомат, 4 дона шу автомат магазини, 4 дона детонатор ва 1 дона қирқма милтиқ ҳамда автомат ўқлари шу йилнинг 28 март — ҳайит куни Бахтиёр Раҳмоновлар хонадонидан топилди.

«Ҳизбут тахрир» аъзоларининг ҳам айримларининг уйдан ўқ-дорилар ва гиёҳвандлик моддалари топилган.

Президентимиз айтганидек, барчамиз огоҳ, ҳушёр булишимиз керак. Зеро, юртимиз равнақи, тинчлиги ва осойишталиги сизу бизнинг ютуғимиздир, унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳаммамиз учун фарздир.

М. КИМСАНБОВЕВ.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Уртачирчиқ туманида вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси М.Иноғомов, Х.Абдиевлар иштирокида туман ички ишлар бўлими раҳбарияти, участка вакиллари ва ВЕИН инспекторларининг узоқ йиллар туман ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирги кунда қарилдик гаштини сураётган фахрийлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда халқ осойишталигини таъминлашда, жиноятчиликка қарши курашда, тартиббузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари фахрийлари ёрдамидан, маслаҳатларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ички ишлар идоралари хизматларини тарбиялашдаги иштирокини таъминлаш, «Халқ посбонлари» фахрийлари раҳбарлигида маҳалла посбонларини тузиш, фахрийларнинг оила аъзоларидан, боқувчисини йўқотган хонадонлардан мунтазам равишда хабар олиб туриш, уларга бўлган эътиборни кучайтириш каби масалаларга атрофлича тўхтаб ўтилди. Учрашувда Уртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлигининг шахсий тарқиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Т. Туронов сўзга чиқди.

Фахрийларнинг босиб ўтган йуллари биз ёшлар учун улкан бир мактабдир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир маслаҳати биз учун қадрлидир.

Мозийдан бир садо ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ

Ўтмишсиз келажак бўлмагани сингари, бугунги порлоқ кунимиз ва нузли келажакимизни узоқ тарихга бир назар ташламай туриб тасаввур этиб бўлмайди.

Тошкент вилояти ИИБ мажлислар залида ўтказилган навбатдаги «Маърифат» дарси ана шу мавзуга бағишланди. Дарсга Низомий номидаги Давлат педагогика университети декани, тарих фанлари номзоди Самад Тураев тақлиф этилди. Қизиқарли суҳбат ва савол-жавоблардан сўнг барчанинг кўз унгида яна бир қарра тарих саҳифаларидан ўрин олган уша мўдҳиш ва мустабид тузум — чоризм даврининг қора кунлари, Туркистон халқининг ўз озодлиги учун олиб борган курашлари намойён бўлди.

М. СУЛТОНОВА.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Урганч темир йул шоҳбекати ТИИБ ВЕИН ходимлари ёшлар уртасида жиноят содир бўлишининг олдини олишда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтказилаётган кенг қамровли «Таътил», «Ойна», «Усмир» каби қўллаб-қўлдоғида темир йулларга яқин жойлашган маҳаллаларга бориб, у ердаги ота-оналар билан учрашувлар ўтказаяпмиз. Айниқса, мактаб ўқувчилари билан бўлаётган мулоқотларимиз самарали ўтмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўрт охи мобайнида хизмат ҳудудимизда вояга етмаганлар томонидан биронта ҳам жиноят содир этилмади. Шунини алоҳида таъкидлашим лозимки,

темир йул изларига турли ёт нарсаларни қўйиш, светофор чироқларини синдириш, алоқа ускуналарига шикаст етказиш каби ҳуқуқ ҳолларга барҳам берилди.

Ўтган ойлар давомида вокзалларда ҳамда йўловчи поездларда мақсадсиз ҳолда ота-оналарнинг назоратисиз юрган 15 нафар болалар аниқланиб, вилоят ИИБ вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасига жойлаштирилди. Йўловчи поездларда юриб, ноқонуний равишда савдо-сотуқ билан шўғулланаётган уч нафар ўсмир ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шўғулланувчи комиссия ихтиёрига юборилди.

Мана ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсуми ҳам бошланди. Бу мавсумда муваффақиятли ўтказиш мақсадида қишлоқларда, маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида учрашувлар ўтказаяпмиз. Яқинда Ҳазорасп туманидаги А. Навоий номили, Ш. Рашидов номили, Шовот туманидаги «Прогресс» хўжаликлари ва 25-урта мактабларда ўтказилган учрашувларимиз ниҳоятда мароқли ўтди. Айни кунларда бундай қизиқарли суҳбатларимиз давом этмоқда.

Одилбек ИСМОИЛОВ, Урганч шоҳбекати ТИИБ ВЕИН катта инспектори, милиция майори.

ЁНГИН ЧИҚИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг ёнғин энергетика тармоғини ривожлантиришда Муборак газни қайта ишлаш корхонасининг ҳам катта ўрни бор. Халқимизнинг табиий газга бўлган талабини қондириш учун завод туну кун ишлаб турибди. Мана шундай ўта муҳим саналган объектда ёнғин чиқмаслиги учун 1-ҳарбийлашган ёнғиндан сақлаш бирикмаси ходимлари корхонани мунтазам равишда ёнғин содир бўлишига йул қўймайди, ёнғинни олдини олиш каби вазифаларни режа ва дастурлар асосида амалга ошириб келмоқдалар.

Ўтган 1998 йилда ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли корхо-

нада бирор марта ёнғин бўлишига йул қўйилмади. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида ҳам ёнғинга йул қўйилмади, энг асосийси бутун эътиборимизни ёнғинни олдини олишга қаратмоқдамиз. Корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда ёнғин чиқариш мумкин бўлган техникалардан, носоз электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишлари учун профилактик тадбирлар ўтказилаётгани яхши самара бермоқда. Бундан ташқари корхонада ишчи-хизматчилардан ташкил топган кўнгилли ут учирини жамиятлари тузилган бўлиб, улар билан ёнғиннинг олдини олиш бўйича дарслар, амалий

машгулотлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Корхонада ёнғиннинг олдини олиш бўйича назорат ўтказилганда 20 нафар мансабдор шахсга, 94 нафар фуқарога нисбатан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганликлари учун 66190 сум миқдорда жарима солинди. Ёнғин чиқиши хавфи бўлган носоз электр жиҳозлар, оловли ишлар, алоҳида хоналарни иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди.

Мақсадимиз 1999 йил давомида корхона ҳудудида бирорта ҳам ёнғин чиқмаслиги учун ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бор имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

И. ҚУРБОНОВ, ички хизмат капитани.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Тўқимачилик туманидаги Бухоро ғишт ишлаб чиқариш ҳиссадорлик корхонаси ҳудудида жойлашган ёқилғи сақлаш омбори ёнида ҳайдовчи Ж. Бўриев ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузиб, сигарета чекиш учун гургур ёққан. Натияжада ўзи, ёқилғи қуювчи М. Раҳимов, таъмирловчи чилангар Х. Юлдошевлар куйиб, тан жароҳати олганлар.

Андижон шаҳри Мирболта кўчаси 45-уйда яшовчи 2 ёшли О. Якубов қаровсиз қолгани сабабли олов уйнаган. Натияжада икки кўли ва оёқлари куйиб қолган.

Наманган шаҳри Жийдакапа кўчаси 7-уйда яшовчи С. Нуриддинов газ плитасини ёқишда эҳтиётсизлиги натияжасида юзи, бўйни ва икки кўли куйиб, тан жароҳати олган.

Андижон шаҳри Шимит кўчаси 17 «а»-уйда яшовчи Д. Гофурова ҳаммомнинг иситиш қозонхонасини ёқиш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиб нотўғри фойдаланганлиги оқибатида газ алангасидан юзи, бўйни ва кўллари куйиб, тан жароҳати олган.

Зангиота тумани Тинчлик кўчаси 23-уйда яшовчи Б. Жумабоев хонадонида ёнғин содир бўлган. Натияжада унинг томи ёниб қўшниси А. Усмоновнинг уйига ўтган. А. Усмонов ёғинда куйиб, касалхонага ётқизилган.

Мингбулоқ тумани Гигант қишлоғи Охунбоев кўчаси 14-уйда яшовчи Қ. Маматов хонадонида электр симининг қисқа туташуви натияжасида ёнғин содир бўлиб, унинг томи ёнган. Бу кўчадаги уйларнинг бир-бирига яқин қурилганлиги ва улар орасида ёнғинга қарши тўсиқлар йўқлиги сабабли ёнғин қўшниси А. Муллабоевнинг хонадонига ўтиб, унинг томини ёндирган.

Шайхонтохур тумани Навоий кўчаси 26-уй 9-хонада яшовчи Ю. Филипченконинг сигарета чекиб ухлаб қолганлиги сабабли ёнғин содир бўлган. Ёнғинни ўчириш чоғида Ю. Филипченко ўт ўчириш хизмати ходимлари томонидан қўтқарилган эди, аммо у заҳарли тутундан димкиб қолгани сабабли тез ёрдам етиб келгунга қадар вафот этган.

Дилмурод ВАЛИЕВ, ички хизмат катта лейтенанти.

ҚҮРИҚЛОВ САМАРАСИ ОРТМОҚДА

Қашқадарё вилояти ИИБ қўриқлаш хизмати ходимлари асосан давлат, жамоат ва фуқаролар хонадонларидаги мулкларини жиноий таъжирлардан ҳимоя қилиш билан бирга жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш борасида бирмунча ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ходимларимизнинг хушёрлиги ва сергакликлари туфайли шу йилнинг 4 ойида қўриқланаётган иншоотлар ва фуқаролар хонадонларида ўғирликка йўл қўйилмади. Бугунги кунда қўриқловга олинган иншоотлар сони 107 тани ташкил этади. Марказлашган қўриқлаш пултига уланган хонадонлар сони ҳам бир мунчага ортди. Ходимларимиз томонидан 2 та ўғирлик жиноятининг олди олинди. Жумладан, Қарши тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятининг тикув цехидан шу цехда оператор бўлиб ишловчи Баҳриддин Х. 53 дона ҳар хил турдаги киймати 16.006 сўмлик игналарни яширин равишда ўғирлаб

кетаётганда Қарши шаҳар ИИБ Қўриқлаш бўлими милиционери Хусан Бозоров томонидан ушланди.

Мураккаб техника асрида илғор технологиянинг кириб келиши, мулкчилик шакллари ортиб, уларни ишончли қўриқлаш талаб этилаётган ҳозирги шароитда қўриқлов самарадорлигига эришиш муҳим омиллардандир. Хизматнинг моддий техника негизини такомиллаштириш, сигнализация, алоқа воситалари, автотранспортлар билан таъминлаш иш сифатининг мазмунидир. Кейинги йилларда биз қўриқлаётган иншоотларда бирорта жиноят содир этилмаётганлиги туфайли биз билан шартнома асосида иш юритувчилар сони ортмоқда. Ишимиздаги манфаатдорлик мижоз хоҳиш иродасини тўлиқ қамолатлади. Аммо, айрим ҳолларда баъзи корхона ва савдо дўконлари эгалари қўриқлов афзалликларини чуқур тушуниб етмаётдилар. Маълум маблағни фойда қилман деб лоқайдликка йўқ қўймоқдалар.

Ходимларимиз жиноятчиликка қарши курашда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, Таллимаржон милиция бўлими милиционери Юнус Аҳмедов Туркманiston фуқароси Огажон Худойбердиевни вилоятимиз ҳудудида 459 грамм марихуана моддасини олиб ўтиш чоғида қўлга олишда намуна кўрсатди. Бундан ташқари ташмачиликнинг пайи қирқилмоқда. Қарши шаҳрида яшовчи Абдурахмон Муродиллаев Қарши ёғ-экстракция заводидан 180 кг маҳсулотни ҳужжатсиз олиб чиқиб кетаётганда ушланиб, унга нисбатан маъмурий баённома тўлдирilib, суд томонидан 700 сўм миқдоридан жаримага тортилди. Шу завод электриги Одил Эшпўлатов кир совунни яшириб олиб чиқиб кетаётганда унга нисбатан 500 сўм миқдоридан жарима солинди. Ана шундай ташмачилардан Акбар Каримовга 2000, Салим Пармоновга 1500 сўм миқдоридан жарима солинди. Нишон туманидаги пахта тозалаш заводи ҳайдовчиси Фани

Жабборов 80 кг чигитни, шу завод ҳисобчиси Бобожон Эргашев 70 кг чигитни, Чирокчи пахта тозалаш заводи ишчиси 10 метр пахта тойлагич лентасини яширин равишда олиб чиқиб кетаётганда ушланиб, улардан турли миқдорда жарима ундирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудида жойлашган халқ хўжалиги иншоотларида майда ташмачиликнинг олди тўлиқ олинаяпти, деб бўлмайди. Майда ташмачиликнинг олдини олишда раҳбарлар масъуллигини ошириш зарур. Тома-тома денгиз пайдо бўлур дегандек, ушоддек ташмачиликдан катта ўпирилишлар юзага келиши мумкин.

Бугунги кунда қўриқлов самарадорлигини ошириш давр талабига айланмоқда. Қарши бош каналдан вилоятнинг гарбий ҳудудида қишлоқ хўжалик экинларини сугориши ишлари амалга оширилади. Маълумки, Қарши бош каналдан сув йирик насос станциялари орқали ҳайдалади. Мазкур сув насос стан-

циялари дахлсизлигини сақлашда Таллимаржон милиция бўлими шахсий таркибининг хизмати катта бўлмоқда. Бугунги кунда шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, қонунчиликнинг бузилишига йўқ қўймаслик борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Сафимизни асосан ёшлар ташкил этади. Оддий ва кичик бошлиқлар таркибини ҳуқуқий маданияти ва билимини оширишда ижтимоий-сиёсий ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказилишига эришмоқдамиз. Шу ўринда мураббийчилик ҳаракати амалда ўз самарасини бераёпти. Ўз ўзини назорат қилиш, ўз устида изланиш ва ўз тажриба ва малакаларини ҳамкасбларига ўргатиш каби ҳислатлар улар онгига синдирилмоқда. Мустақил Ватанимизда қабул қилинаётган янги қонунлар ҳақида тушунчалар ҳосил қилишда замонавий адабиётлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Юртбошимизнинг ёшларга катта эътибор бераётганлиги, уларни истиқлол мафқураси руҳида шакллантириш, маънавий дунёсини миллий қадриятлар

туйғуси билан бойитиш, ҳозирги ижтимоий барқарор вазиятни ҳис этиш, миллатлараро дўстлик муносабатларда инсон қадрини англаш, ўтмишимизнинг бой меросларини ўрганиш, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўқитиш каби масалалар борасида катта ғам-хўрлик кўрсатаётганлиги ҳам бежиз эмас. Янги номзодлар билан ишлашда уларни этика ва эстетик маданиятни ривожлантириш бош вазиламиз бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқий демократик жараёнда инсонни ўз-ўзини англаш, етти ўлчаб бир кес қабилда мушоҳада юритиш асосий омиллардандир. Биз хизмат қўриқлов самарадорлигини ошириш баробарида шахсий таркибни янги жамиятнинг устувор тамойилларини пухта ўрганиши ва миллий истиқлол мафқураси руҳида камол топишига, ўз она юртининг фидойи фарзанди бўлишга эътиборни қучайтирмоқдамиз.

Абдураим ИБОДОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ хузуридаги Қўриқлаш хизмати бошлиғи, милиция подполковниги.

ИЖОД — МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ДЕМАКДИР

Гоҳ-гоҳида давраларда суҳбатдошларим қизиқсинибми, киноя қилибми — билмадим: «Нега шеър ёзасан?» Катта пул тулашса керакда? деб сураб қолишди. Қалбида гузалликка чинакамга жиндак ошурфалик бор одам бу саволни бермаслиги аниқ. Олдинги ишчидан тортиб, ҳатто осмонни забт этган фазогиргача уз пайтида шеър ёзганига барчамиз гувоҳимиз. Йўқ, шеър катта пул учун ёзилмайди. Шеър қалбга юрт муҳаббати, гузалликка булган меҳр, яшайдан қониқиб, иштиёқ сизмагани сабаб худди чашмадек отилиб чиқади. Бунга таҳририятта келган осойишталигимиз посбонлар юборган ижод намуналари ҳам далилдир.

Саволни нега шеър ёздинг, қабилда эмас, қандай шеър ёздинг, деб қуйсақ мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳамма бир хил, бир даражада ижод қила олмаслиги аниқ. Қўлимиздаги бир туркум шеърларнинг аксариятида Ватанга муҳаббат, фарзандлик бурчи ҳақида қуйилади. Айтиш мумкин, узига хос ухшатишлар ҳам учрайди. Бу эса муаллифлар ҳавас учун эмас, чинакам иштиёқ билан қўлига қалам тутганидан гувоҳлик беради. Қўлимизда Бухоро вилояти ички ишлар бўлими ходими, милиция майори Зикрилла Неъматовнинг шеърлари. Муаллиф, айниқса, аёлларимиз хусусида эҳтиром ва илҳом билан қалам тейтади. Унинг «Аёллар ҳақида» шеъри анча маромига етган. Шоир ёзди:

*Аёллар ҳақида бир шеър айтганин,
Ҳасаддан саргайсин тини-*

лаб мезонлар.

*Бир шеърки қушиқдек таралган сайин,
Қорлар йиғлаб қулсин абру найсонлар.*

*Чунки жо булгандир аёл қалбига,
Барча фаслларнинг ажиб хислати.
Узин аёл каби безатмоқ учун,
Етмас турт фаслнинг зебу зийнати.*

*Шу боис ожиздир менингда шеърим,
Шу қадар улутвор гузалдир аёл.
Бутун гузаллигин, бор меҳрин бериб,
Табиат яратган газалдир аёл.*

Чиройли яқун, шундай шеър ёздинг, деб қуйсақ мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳамма бир хил, бир даражада ижод қила олмаслиги аниқ. Қўлимиздаги бир туркум шеърларнинг аксариятида Ватанга муҳаббат, фарзандлик бурчи ҳақида қуйилади. Айтиш мумкин, узига хос ухшатишлар ҳам учрайди. Бу эса муаллифлар ҳавас учун эмас, чинакам иштиёқ билан қўлига қалам тутганидан гувоҳлик беради. Қўлимизда Бухоро вилояти ички ишлар бўлими ходими, милиция майори Зикрилла Неъматовнинг шеърлари. Муаллиф, айниқса, аёлларимиз хусусида эҳтиром ва илҳом билан қалам тейтади. Унинг «Аёллар ҳақида» шеъри анча маромига етган. Шоир ёзди:

*Аёллар ҳақида бир шеър айтганин,
Ҳасаддан саргайсин тини-*

булади.

Таҳририятимизга яна бир туркум шеърлар юборган муаллифларимиз шеърларнинг барча қонун-қоидаларига амал қилганлар. Қофияси, вазни, туроғи, ҳатто ухшатишлар ҳам мавжуд. Лекин уларда ялт этган чўг, шеърят илҳосмандлари дилини жижиллатадиган фикр йўқ. Самарқандлик милиция майори Анвар Гуломовнинг «Аёл булмас» шеърини биргаликда кўздан кечирайлик.

Мовий осмонга офтоб чиқмас,

Тунда ойнинг юзи қуринмас,

Ер ҳам тухтаб қолур, айланмас,

Бу дунёда аёл булмас.

Қалдирғочлар учолмас ҳаргиз,

Богда очилмас лола, наргиз,

Ором ҳам тополмас юрагингиз,

Бу оламда аёл булмас.

Тухтаб қолур оқар дарелар,

Қулаб тушар қоялар, тоғлар,

Биебон улур, шу сўлим боғлар,

Бу заминда аёл булмас.

Осмонда етмас оптоқ қор,

Чечак очиб келмайди баҳор,

Одамзотдан қолмағай едгор,

Бу дунёда аёл булмас...

Шеърни яна анча давом эттириш, аёллар шаънига ҳамду санолар ўқиш мумкин. Муаллифнинг «Тоҳир ва Зухра», «Изтироб», «Ота-она» каби шеърларида ҳам шундай қусур — баёнчилик, музикаликни қуриб имиз мумкин. Шоирни танқид қилмоқчи эмасмиз, асло! Фақат шеър худди олтин қозик каби ян-

ги фикр, узига хос ташбеҳлар билан, яна ҳам аниқроғи, шоирона кашфиёт билангина шеър эканлигини эслатмоқчимиз. Бунинг учун илҳом келганда эмас, ҳар лаҳза қўлда қалам бўлмоғи, фикрлар ҳам, қалам ҳам мунтазам чарх айланиб турмоғи керак.

Наманганлик Акбар Полвонов («Шунқор милиция», «Илҳом», «Бошқача»), Фазлидин Даврон («Оилани асранг, одамлар», «Криминалистлар»), Каримжон Шодиев («Фирибгар қилар таъзим», «Кибру ҳаво нега керак»), Абдуназар Холмуродов («Дил рози», «Ўзбекистон» ва бошқалар), М. Мирсоатов («Соғинч», «Қўриқлаш посбонларига», «Юртбошим мани»), Тошкент вилоятидан Қобил Бойматов («Туябугизнинг мард углонлари»), самарқандлик И. Раҳмон («Милиция шаънига қасамед»), Озод Ражабов («Ўзбекистон углонлари», «Посбонлар қушиғи»), асакалик Абдурахим Мамасолиев («Менинг милиция», «Қутлов»), бухоролик Б. Бобоев («Қамарбаста посбонларим», «Муҳаббатнинг чорбоғида ухла-уйгон», «Муҳаббатдан дил қонар», «Нос»), бухоролик милиция старшинаси Ш. Самадов («Лочинлар»), Тошкент шаҳри. Бешегоч даҳасидан Шерзод Чориев («Милиция ходимларига»), қашқадарелик Уткир Раҳмонов («Ватан»), Аъзам Раҳманов («Ҳеч ким ололмас» ва бошқалар). Б. Бобораҳматов («Қўжам», «Туйғу», «Навруз илҳомлари»), Қашқадарё вилояти Тулға маҳалласида яшовчи Шоймардон Нурқул («Она-юрт посбонлари»), милиция кичик сержанти Бекмурод Усмонов («Нурғали Урмонов хотирасига»), «Бу-

вижон», «Панжарали турма»), андижонлик Тулан Қамчиев («Эл посбони»), фарғоналик Абдумутал Абдуқодиров («Эй, ваҳҳобий»), самарқандлик Яздон Бозоров («Миршаблар», «Синов дунёси»), Ориф Ҳожиев («Миршаблар», «Тунқотар», «Йўлбеги», «Мелисалар сардори»), майор Б. Аъзамов («Ички қўшин лочини») уртоқларга ҳам юқоридаги маслаҳатни берган бўларди.

Яна таъкидлар эдикки, мавзу қанчалар янги ва ранг-баранг бўлса, муаллифнинг имкониятлари ҳам шунчалар кенгайди. Буни асло унутмаслик керак.

Муаллифлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги қувончли ҳолдир. Айниқса, андижонлик Жамила Матмусаеванинг «Ойдин тилаклар», бухоролик истеъфодаги милиция майори Маҳбуба Носированинг «Биз сардоримиз билан», сирдарелик ички хизмат катта лейтенанти Урозгул Буронованинг «Ватан хонинга», «Ғаламисларга», тошкентлик Хайри Давронованинг «Хур замон бўлсин», Гавҳар Мирзакаримованинг «Муборак Рамазон», Қашқадарё вилояти ИИБ Қўриқлаш бошқармаси ходими, милиция кичик сержанти Бибисора Каримованинг «Устоз Навоийга», «Навруз» шеърларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Уларда аёл қалбининг нозик туйғулари уз ифодасини топган. Лекин шеър фақатгина туйғулардан иборат эмас. Инсон бир умр шоғирд бўлиб яшайди. Шунинг учун шоира қизларимизга машқ ва яна машқни давом эттиришни маслаҳат берамиз.

Ва ниҳоят таҳририятта келган бир туркум шеърлар

борки, уларни ҳали шеър деб атаб бўлмайди. Уларда олдинги қофия, вазналарга ҳам амал қилинмаган. Муаллифларнинг эса ҳали анчагина уз устида ишлаб, тер тўкишларига тўғри келади. Келинг, сузимизнинг исботи учун оҳангаронлик Алишер Абдусаломовнинг «Аёл» шеърини парчани ўқиймиз.

Фарос(?) қилинг дунёда,

Аёл зоти булмас.

Булсаю фақат эркак,

Гулу чаман йўқ булса.

Сайрарму тонгда қушлар,

Гулу чаман булмас.

Давом этарму аялдо

Аёл зоти булмас.

Шеър шу тариқа давом этаверади. Бундан уқувчи на бир завқ, на бир янгилик олади. Худди шундай фикрни тошкентлик байналмилал жангчи Қодиржон Каримов («Биламан, қачонлардир», «Ун саккизда эди ешингиз»), бухоролик милиция лейтенанти Одил Ропиев («Хотира»), самарқандлик Азимжон Темиров («Аёл соғинч»), тошкентлик Йўлдош Тулагов («Унутмасдан юрагим»), Олмалик шаҳридан ички хизмат фахрийси Қаршибой Норинбоев (қатралар, туртликлар)нинг ижод намуналари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ижод — илҳом ва меҳнат самарасидир. Қўлда қурол билан юртимиз тинчлигини сақлаш, қалам билан дил тугенларини изҳор этишга интилан ички ишлар ходимлари булган муаллифларимизга бу гапни такрор-такрор айтишдан ҳожат йўқ. Шундай экан, уларнинг келгусидаги шеърлари пишиқ-пухта, янада ўқимли бўлади, деб умид қиламиз.

Темур УБАЙДУЛЛО,
Халқаро Яссавий мукофоти соҳиби.

УМИДЛИ КАЛАМКАШ

Сиртдан қараганда ҳуқуқ идораси, хусусан, милиция билан адабиёт орасида робита-занжир йўққа ўхшайди. Милиция – қонун ҳимоячиси, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида тиним билмайди. Адабиёт эса эл-юртнинг рухий оламини бойитиш учун хизмат қилади. Осойишталигимиз посбонлари гўзаллик қондаларига эмас, кўпроқ мамлакат қонунларига асосланиб иш юрилади. Ҳа, зоҳиран шундай. Аслида эса адабиёт билан милицияни боғлаб турувчи робита мавжуд. Адабиётнинг ҳам, милициянинг ҳам мақсади бир – юрт тинчи, осойишталиги.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиларининг адабиётга бўлган меҳрлари фикримиз далили. Бугунги кунда III босқичдаги таҳсилни яқунлаётган Эркин Муродовни уч йилдан бери яхши биламан. У дарс пайтидаги синчковлиги, қизиқиши, теран билими билан диққатимни тортди. Ёзган баёнлари бошқалардан ажралиб туради. У ўзбек тили фанидан имтиҳон топшириб бўлганидан сўнггина шеър, ҳикоя машқ қилишини билдирди. Бу йигитнинг машқлари билан танишдим. Машқ қилишдан тинмади, эринмади. Оқибат, кўпнинг эътиборига тортиқ қилишга арзирли шеърлар даражасига етди. Умидли каламкаш Эркинжонга биргаликда оқ йўл тиласак.

Тоҳир МАЛИК, ёзувчи.

ЙИЛЛАР УЗРА СЕНИ КУТГАЙМАН

Кўнглим, бош олиб қайга кетасан,
Тор кўчада юраккинам куйдириб.

Ярадор қалбимни судраб қийнайсан,
Интизорлик азобиди суйдириб.

Биламан, боғимдаги позик чамансан,
Сочларинг ҳид олган гул ифоридан.

Чиройинг тенгсиздир, дунёда йўқсан,
Азизам, англагин дил изҳоридан.

Афсона васлингдан умид узмайман,
Кўзимга ёш келар бахтли лаҳзадан.

Гўёки бир умр ёлғиз қолгайман,
Соғинч куртаклари юз очар ҳар дам.

Жилмайиб боқшинг ёдимдан кетмас,
Камалак қошингга парвона ўзим.

Майин юзларингдан нур ҳам узилмас,
Юлдузли тунларда йўқолди ҳушим.

Балки сен оламда бўлмагандирсан,
Фақат бу менинг фикри-ҳаёлим.

Билки йиллар узра сени кутгайман,
Нигоҳимда сўнмас бошлаган куйим.

Эркин МУРОДОВ.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкент шохбекати тармоқ ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими томонидан 1998 йил 25 май куни соат 7.15 ларда Салор-Тошкент темир йўл оралиги 3364-километрдан Осиё миллатига мансуб ёши тахминан 55-60 лар атрофидаги эркак кишининг жасади топилди.

Белгилари: гавда тузилиши ўрта, бўйи 165-170 см, сочи сийрак, калта, бошида марғилонча дўппи, узун энгли кўк ранг кўйлак, оқ ранг майка, тўқ кулранг шим, қора ранг пайпоқ, 41-42 размерли жигарранг туфли.

Алоҳида белгиси: ўнг кулоғининг устки қисмида ортиги бор, чап қўлининг бошмалдоқ қисмида арабча харфларда та-туировкаси бор.

1998 йил 23 октябрь куни Яланғоч темир йўл бекатидан темир йўл катта кучланиш токидан куйиб вафот этган Осиё миллатига мансуб ёши тахминан 40-45лар атрофидаги эркак кишининг жасади топилди.

Белгилари: гавда тузилиши озгин, бўйи 160-165 см, сочи қора, ўрта узунликда, оғзининг тепа қисмида учта тиши бор, пастки қисмида тишлари умуман йўқ. Эгнида кўк рангли костюм-шим, қора гулли кулранг свитер, жигарранг кўйлак, кўк ранг майка, оқ ранг ички кийим, кулранг пайпоқ, жигарранг туфли.

Юқорида белгилари кўрсатилган кимсаларни таниган ва билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси томонидан Фанижон Умарович ШОМИРЗАЕВ номига берилган 083 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Метрони муҳофаза қилиш ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Ниғматилла Курбоновга отаси
Курбонбой отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган тахририяти жамоаси тахририят ходимаси Л. В. Мухамеджановага онаси
Анастасия Митрофановна КОВАЛЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган тахририяти жамоаси тахририят муҳаррирининг собиқ ўринбосари
Сиддиқхўжа СУЛАЙМОНХўжаЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Қасби тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши нафақадаги милиция старшинаси
Фуркат МЕЙЛИМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадilar.

MUNAJJIMLAR BASHORATI

31 may — 6 iyun

ҚҲҲ (21 март — 20 апрель)



Ушбу ҳафта айтарли даражада воқеаларга бой эмас. Белгиланган ишларингизни бажариш учун душанба ва жума кулай кунлардир. Чоршанба куни келишмовчилик келиб чиқиши мумкин. Дам олиш кунлари кўнглили ўтади. Сиз ажойиб инсонлар билан учрашиб, янги танишлар орттirasиз.

СИГИР (21 апрель — 21 май)



Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлигингизни яхшилаш ва асабингизни жойига келтириш учун бор имкониятларни ишга солинг. Жума куни кутилмаган ишқий учрашувдан кўнглингиз тоғдек кўтарилди. Шанба куни кўшимча даромад ишлаб олишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)



Душанба кунги самарали учрашув ва чоршанбадаги баракали меҳнат мазкур ҳафтанинг энг ёдда қоладиган дамларидир. Пайшанба ва шанба кунлари келишмовчилик келиб чиқади. Ўзингизни қўлга олсангиз устунликка эга бўласиз.

ҚИСКИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)



Мазкур ҳафта ёз келишига қарамай меҳнат ютуқлари билан кўтаринки руҳда ўтади. Айниқса, душанбадан чоршанбагача омад кулиб боқади. Дам олиш кунлари орзу-истагингиз амалга ошиши билан узоқ вақт ёдингизда қолади.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)



Ишқий душанбадан сўнг маълум вақт эҳтиросларингизни жиловлаб оласиз. Кайфиятингиз бироз тушиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ жума куни ижодий муваффақият ва молиявий ютуқ яна кўнглингизни кўтариб юборади.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)



Сизда ишбилармонлигингизни намойиш этиш имконияти юзага келади. Душанба, чоршанба ва пайшанба кунлари барча режаларингиз амалга ошади. Сешанба куни қувончли янгиликдан хабар топасиз. Жума куни кўзлаган бўюмингизни қўлга киритиш имконияти бор.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)



Душанба ва сешанба кунлари муҳаббат бобида омад кулиб боқади. Аммо кейинги кунлар ортиқча эҳтиросларингиз уйда ва ишхонангизда жоҳоро келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бунда хушмуомалалик муҳим эканлигини унутманг.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)



Душанба – ҳар қандай юмушларни бажариш учун қулай кундир. Сешанба куни раҳбарлар билан келишмовчилик келиб чиқиши мумкин. Чоршанба куни ажойиб инсонлар суҳбатидан баҳраманд бўласиз. Жума ва шанба кунларидаги ҳар қандай сафар муваффақият келтиради.

ҲҲ (23 ноябрь — 21 декабрь)



Ҳафтанинг биринчи ярми осойишта ва раван ўтади. Душанба ва чоршанба кунларидаги меҳнат ютугидан ўзингизга бўлган ишонч ортади. Жума кунги келишмовчилик эса руҳингизни тушириб юборади. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажаришни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)



Сешанба куни бироз ишингизнинг юришмай қолиши меҳнат қобилиятингизга таъсир кўрсатмайди. Чоршанба куни ижодий ютуқ кутилмоқда. Молиявий муаммоларни ҳал этиш учун пайшанба қулай кундир.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)




Мазкур ҳафтанинг бошида муҳим янгиликлардан хабар топасиз. Сешанба ва чоршанба кунлари пул топишингиз янги усулларини ўйлаб топишингизга тўғри келади. Шанба куни кайфиятингиз бироз ёмонлашади. Яқшанба оила аъзоларингиз даврасида кўнглили ўтади.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)



Сизнинг меҳнат фаоллигингиз касб маҳоратингизни оширади, бу эса ҳамкасбларингиз ҳавасини келтиради. Ҳафта давомида ижодий ютуқлар кутилмоқда. Шунингдек, келишмовчиликлар бўлиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас.

КРОССВОРД



Диагональ бўйича: 1. Электротехника ва радиотехника соҳасида иш олиб борган ихтирочи. 2. Турмушда кўп ишлатиладиган металл. 3. Майда пул. 4. Регистон ансамбли таркибидаги XVII аср ўрталарида бунёд этилган обида, мадраса. 5. Ўрта Осиёдаги ҳудуд. 6. Африкадаги номдош давлат ва пойтахт. 7. Маъмурий ҳудудий бўлинма. 8. Айёр ҳайвон. 9. Ишлов бериладиган детални маҳкам ушлаб турувчи мослама, анжом. 10. Транспорт тури. 11. Электрон лампа. 12. Жаҳоннинг энг кучли футбол жамоаларининг қитъалараро соврини учун ҳал қилувчи ўйин бўлиб ўтадиган пойтахт. 13. Кўркем патли парранда. 14. Иш, ҳаракат, меҳнат жараёнидаги маълум муайян усул, тартиб. 15. Ўрта Осиёдаги пасттексислик. 16. Жониворнинг майин, нозик пати. 17. Сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. 18. Ер қуррасидаги энг баланд тоғ. 19. Шарқий яримшарнинг тропик, субтропик ва қисман мўътадил кенгликлариди тарқалган

кўршапалаклар оиласи. 20. Оммавий ахборот воситаси тури. 21. Туркманистондаги дарёга номдош шаҳар. 22. Қишлоқ хўжалигида кузги мавсум. 23. Қадимги юнон муаррихи Геродотнинг нодир асари. 24. Озарбайжон фалакиётшунос олими. 25. Рўзғор буюми, идиш. 26. Хонаки парранда. 27. Кимёвий элемент, кулранг қорамтир металл. 28. Ўсимликнинг игнасимон аъзоси.

КРИПТОГРАММА

Оққич сўзлар:

1. Суюқлик ҳажми ўлчови бирлиги — 4, 2, 15, 10.
2. Ҳиндистон миллий овозлик ҳаракати раҳбарларидан бири — 9, 3, 5, 1, 2.
3. Ўтмишда туркий халқларда шаҳар ёки вилоят ҳокимларига бериладиган, мерос бўлиб ўтган амалдорлик унвони — 7, 8, 11.
4. Самолётнинг қўниш ёки ердан кўтарилиш вақтида ҳаракатлантирадиган қисми — 12, 3, 6, 6, 2.
5. Қасос, қасд сўзлари маънодоши — 14, 13.

Жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, криптограммани ҳал этинг. Ундан ўрта аср қомусий алломаси Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган ҳикматлардан бирини қаторлар бўйича ўқин билан билдиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ АВВАЛГИ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Матн. 2. Ёқут. 3. Нақд. 4. Бонн. 5. Ойта. 6. Лаут. 7. Банк. 8. Кума. 9. Амма. 10. Танк. 11. Кадр. 12. "Дунё". 13. Балл. 14. Арча. 15. Мухр. 16. Бута. 17. Сарн. 18. Қиём. 19. Орол. 20. Очоа. 21. Ҳаво. 22. Бува. 23. Уста. 24. Қунт.

Белгилаб қўйилган хоналардаги мадҳ сўзлари:
АЁЛ БИЛАН МУНАВВАР ОЛАМ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir

Erkin SATTOROV (Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:

S. SHAMSIDINOV

Musahhihlar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Dizayner:

A. MIRZAMUHAMEDOV

Sahifalovchi:

M. NASRETDINOVA

TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari — 139-77-23.

muxbirlar bo'limi 139-75-69.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun tel.: 139-70-40, faks: 54-37-91, peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi peyjer .. (088) 55-54, 55-19.

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

● Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mymkin.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007. Buyurtma Г — 0374. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00. Bosishga topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

114 222 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.